




ҚОНУНЧИЛИК МУАММОЛАРИ АХБОРОТНОМАСИ

4-сон
2021 йил

БЮЛЛЕТЕНЬ
ПРОБЛЕМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА

BULLETIN
OF LEGISLATIVE PROBLEMS



НАРАКАТЛАР STRATEGIYASI
2017-2021

Давлат ва жамият қурилиши
tizimini такомиллаштириш



Қонун устуворлигини
таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизimini
янада ислоҳ қилиш



Иқтисодиётни ривожлантириш ва
либераллаштириш



Ижтимоий соҳани ривожлантириш



Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний
бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган,
ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат



Бош Қомусимиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатлар талабларига тўла мос ҳолда, инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаб берди. Инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан, 2016 йил 7 декабрь

Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунасидир. У ҳеч кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, тинч ва осойишта, фаровон яшашнинг қонуний кафолати бўлиб келмоқда. Бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан, 2017 йил 7 декабрь

...Бош қомусимизнинг ҳар бир моддаси биз учун дастуриламалга, ҳаётимиз қондасига айланиши зарур...

Биз жамиятимизда шундай ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз керакки, унга мувофиқ Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурият эмас, балки кундалик қоида ва одатга айланиши шарт.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан, 2018 йил 7 декабрь

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз “Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шуқуқи, қудрати ва таркиби йўқолади”, деб таъкидлаган эдилар. Шу нуқтаи назардан, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан, 2019 йил 7 декабрь

Ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий қиёфаси, одамларимизнинг дунёқараши бутунлай ўзгаргани, ҳар бир юртдошимиз мамлакатимизнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётгани Бош қомусимизнинг ҳаётбахш қудрати ва улкан салоҳиятидан далолат беради.

Ана шу улкан салоҳиятга таяниб, халқимиз бугунги кунда мураккаб синовларни мардона енгиб, юртимизда эркин, обод ва фаровон ҳаёт – янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Конституция куни муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табригидан, 2020 йил 7 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ



Қадрли ватандошлар!

Аввало, сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни қутлуғ айём – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 29 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бутун дунё қатори юртимизда ҳам давом этаётган коронавирус пандемияси сабабли бу йил ҳам Конституция кунига бағишланган тантанали маросимларни кенг миқёсда ўтказишнинг, афсуски, имкони бўлмапти. Лекин бу байрам қалбларимизга қувонч ва шуқуқ бағишлаб, оилаларимизда, меҳнат жамоалари, таълим масканлари, маҳаллаларда шоду хуррамлик билан нишонланмоқда.

Муҳтарам дўстлар!

Ҳаётимиз қомуси бўлган Конституциямиз мустақиллик йилларида эришган барча ютуқ ва марраларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб келаётганини ҳаммамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Айнан Конституциямизга таяниб, биз бундан беш йил олдин мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик ва Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича кенг кўламли ислохотларни бошладик. Ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий манзараси

бутунлай ўзгарди. Эркинлик ва очиқлик, қонун устуворлиги, жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишига айланди.

Биз Конституциямизда муҳраб қўйилган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш гоёсига содиқ қолиб, шу йўлда кенг кўламли улкан ишларни амалга оширдик, катта билим ва тажриба тўпладик.

Аввало, **“Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир”** деган конституциявий қоидадан келиб чиқиб, халқ билан доимий мулоқот қилиш фаолиятимиз мезони этиб белгиланди, давлат идоралари раҳбарлари фуқаролар олдида ҳисобот берадиган самарали тизим йўлга қўйилди.

Давлат органлари фаолиятида очиқлик ва ошкоралик тобора кенгайиб бормоқда. Сенатор ва депутатлар, вазир ва ҳокимлар, барча мансабдор шахслар куйи бўғинга, маҳалла даражасига тушиб, аҳоли билан бевосита учрашиб, уларнинг муаммоларини жойида ҳал этмоқда.

Муҳим қарор ва қонунлар лойиҳаларини, бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш, давлат харидлари масалаларини муҳокама қилиш жараёнида бугун фуқароларимиз фаол иштирок этмоқда. Шу асосда давлат ташкилотлари ва фуқаролик институтлари ўртасидаги ҳамкорлик ва жамоат назорати янги

босқичга кўтарилмоқда.

Юртдошларимиз учун мамлакатнинг хоҳлаган ҳудудида эмин-эркин яшаш, уй-жой ва кўчмас мулк сотиб олиш, фуқароликка эга бўлиш, билим олиш, меҳнат қилиш, тадбиркорлик билан шуғулланиб, даромад топиш, турли давлат хизматларидан фойдаланишга оид кенг имкониятлар яратилмоқда. Энг муҳими, бундай ўзгаришларни ҳар бир инсон кундалик ҳаётида кўрмоқда, ҳис этмоқда.

Айниқса, давлат томонидан Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини чет элларда ҳам таъминлаш бўйича бошлаган ишларимиз хорихда яшаётган юртдошларимизнинг Ватанимизга бўлган меҳри ва ишончини оширишга хизмат қилмоқда.

Бундай натижаларга эришишда Конституция ва қонунларимиз талабларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, тиббиёт ва таълим соҳаларидаги муаммолар, мажбурий меҳнат, хусусан, болалар меҳнати, ишсизлик, камбағаллик, коррупцияга қарши кураш масалалари кенг жамоатчилигимиз иштирокида ҳал этилаётгани муҳим роль ўйнамоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий муаммоларни бартараф этиш мақсадида жорий этилган “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”, “маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш тизимлари дастлабки ижобий натижасини бераётганини таъкидлаш лозим. Айниқса, муҳтарам фахрийларимиз, хотин-қизлар, ёшлар, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маҳаллий кенгашлар фаолияти ҳам жонланмоқда. Шу йилнинг ўзида ушбу тузилмалар орқали фуқароларнинг 29 мингдан зиёд муаммолари ижобий ҳал этилгани, ўз вазифасини масъулият билан адо этмаётган раҳбарларга нисбатан тегишли қонуний чоралар кўриляётгани ҳам шундан далолат беради.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутадиган суд тизимида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, назорат инстанцияси бекор қилиниб, фуқаролар ва адвокатларнинг шикоятлари ҳам, худди прокурор протести каби, тўғридан-тўғри кўриладиган тартиб ўрнатилди.

Илк бор мансабдорларни ноқонуний ҳаракатлардан тийиб турадиган маъмурий судлар фаолияти йўлга қўйилиб, улар орқали жорий йилнинг ўзида 6,5 мингдан ортиқ фуқаро ва тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланди. Иқти-

содий ва фуқаролик судларида прокурорнинг иштироки чекланди, жиноят ишларини асоссиз равишда суддан чақириб олиш билан боғлиқ амалиётга барҳам берилди. Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш мақсадида Халқаро тижорат арбитражи фаолияти йўлга қўйилди.

Адвокатларнинг ваколатлари кенгайтирилмоқда, Олий Мажлис ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил – Омбудсман томонидан ташкил этилган жамоатчилик гуруҳлари ўз вазифасини самарали амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Бу йил 4 мингдан ортиқ шахс суд залидан озод қилиниб, 8 мингга яқин фуқарога нисбатан асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилгани, 859 нафар шахс оқлангани суд-тергов соҳасидаги ислохотларимизнинг энг муҳим натижасидир.

Халқимизга хос кечиримлилик, бағрикенглик ва олижаноблик тамойилларига амал қилган ҳолда, билиб-билмай жиноят содир этган, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларга нисбатан афв институти мунтазам қўлланмоқда. Шу борадаги ишларимизнинг давоми сифатида Конституция куни арафасида яна бир фармонга имзо чекдим. Унга кўра, шу тоифага мансуб 182 нафар шахс муддатидан олдин озод қилиниб, эркин ҳаётга қайтарилмоқда.

Мамлакатимизда сўз ва виждон эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини жамоатчилик фикрини ифода этадиган “тўртинчи ҳокимият”га айлантириш борасида муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Турли миллат ва диний конфессиялар вакилларининг ўз тили, урф-одат ва анъаналарини ривожлантиришлари учун зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Айни вақтда биз Конституциямиз нормаларини ҳаётга тўла татбиқ этиш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг кадр-қимматини янада самарали таъминлаш борасида ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини яхши тасаввур қиламиз. Олдимизда турган вазифаларни амалга ошириш учун Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида кенг кўламли ислохотларимизни изчил давом эттираемиз.

Аввало, Стратегияда белгиланган мақсад ва вазифаларни ҳаётга жорий этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиб, демократик янгиланишларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Парламент ва маҳаллий кенгашлар ваколатларини янада

кенгайтириш, ижро органлари устидан вакиллик назоратини кучайтириш, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни такомиллаштириш бўйича комплекс чоратадбирлар амалга оширилади. Айниқса, ҳудудларни ривожлантиришда маҳаллий кенгашлар ролини ошириш, фуқаролик жамияти институтларининг самарали фаолияти учун зарур шароитлар яратиш эътиборимиз марказида бўлади.

Маъмурий ислохотлар дастурини амалга ошириш борасида давлат органларининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш, ихчам бошқарув аппаратини шакллантириш ва иш юриштишни рақамлаштиришга алоҳида аҳамият қаратилади.

Яна бир муҳим вазифа амалдаги жиноят қонунчилигини қайта кўриб чиқишдан иборат.

Ҳозирги кунда колониялардаги маҳкумларнинг қарийб 80 фоизи меҳнатга жалб этилган бўлса-да, уларнинг ишлаган йиллари умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланмайди ва пенсия тайинлашда инобатга олинмайди. Ижтимоий адолат тамойилига тўғри келмайдиган бундай чекловнинг бекор қилиниши маҳкумлар томонидан молиявий муҳтожлик туфайли такроран жиноят содир этишнинг олдини олишга хизмат қилган бўлур эди. Шунингдек, жазони ўтаб бўлган фуқароларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш учун “дастлабки ёрдам пакети” тизими жорий этилади. Хусусан, ўзининг аниқ тадбиркорлик лойиҳасини тақдим этиб, мустақил фаолиятини бошламоқчи бўлган собиқ маҳкумларга Пробация хизматини ривожлантириш жамғармасидан 10 миллион сўмгача бир марталик моддий ёрдам берилади.

Тараққиёт кушандаси бўлган коррупцияга қарши курашиш, жамиятда унинг ҳар қандай кўринишига нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантиришга қаратилган сиёсатни изчил давом эттирамиз. Бу борада давлат идоралари билан бирга, кенг жамоатчилик, айниқса, фуқаролик жамияти институтларининг куч ва салоҳиятидан самарали фойдаланишга жиддий эътибор қаратамиз.

Азиз дўстлар!

Тараққиёт стратегиясида ўз аксини топаётган, адолатли ва халқпарвар давлат барпо этишда муҳим аҳамият касб этадиган вазифаларни амалга ошириш учун, аввало, янги конституциявий макон ҳамда янада мустақкам қонунчилик базаси керак бўлишини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушуна-

миз. Шу маънода, Асосий қонунимизни жамиятдаги бугунги реал воқеликка, шиддатли ислохотларимиз мантиғига мослаштириш, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси учун мустақкам ҳуқуқий пойдевор яратиш муҳим вазифага айланмоқда.

Шу йил Президент сайлови олтидан бўлиб ўтган учрашувларда фуқароларимиз, кенг жамоатчилик, сиёсий партиялар вакиллари томонидан билдирилган таклифларда ана шу масала алоҳида қайд этилгани конституциявий ислохотларни объектив зарурат сифатида кун тартибига қўймоқда.

Бу, айниқса, қуйидаги ҳолатларда яққол намён бўлмоқда.

Биринчидан, илгари амал қилиб келган “**давлат – жамият – инсон**” тамойилини “**инсон – жамият – давлат**” деб ўзгартириш, уни миллий қонунчилигимиз ва ҳуқуқий амалиётимизда мустақкамлаш зарур.

Иккинчидан, иқтисодий ислохотлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлаш бош мезон бўлиши керак. Бу – халқпарвар давлат барпо этишнинг энг муҳим шартидир.

Учинчидан, “**Жамият – ислохотлар ташаббускори**” деган эзгу ғоя доирасида Асосий қонунимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини конституциявий жиҳатдан мустақкамлаш ҳам давр талабидир.

Тўртинчидан, Бош қомусимизда оила институтини ривожлантириш, эзгу инсоний қадриятларимизни келгуси авлодларга безавол етказиш, миллатлараро тотувликни янада мустақкамлаш бўйича конституциявий асосларни белгилаб қўйишимиз зарур.

Бешинчидан, фарзандларимиз Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида майдонга чиқаётган бугунги кунда Конституциямизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлаш мақсадида ёшлар соҳасидаги давлат сиёсати, ўғил-қизларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари конституциявий даражада ўз аксини топиши керак.

Олтинчидан, ҳозирги кунда Ўзбекистон ижтимоий давлат ва адолатли жамият қуриш сари дадил бормоқда. Шу сабабли “**Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат**” деган тамойилни конституциявий қоида сифатида муҳрлашнинг вақти-соати етди, деб ўйлайман.

Еттинчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалдаги тизимнинг самарасини ошириш мақсадида Конституциямизда болалар меҳнатига йўл қўймаслик, ногиронлар, кекса авлод вакиллариининг ҳуқуқларини ишончли

ҳимоя қилиш масалалари ҳам ўз аксини топиши зарур.

Саккизинчидан, ҳозирги вақтда кўплаб ривожланган давлатлар, табиатдаги глобал ўзгаришларни ҳисобга олиб, ўз конституциясига экологияга оид махсус боблар киритмоқда. Ўзбекистон Конституциясида ҳам ушбу долзарб масалага доир ҳуқуқий нормалар устувор ўрин эгаллаши лозим.

Тўққизинчидан, Учинчи Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси бўлмиш боғча, мактаб, олий таълим ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш масалаларини конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Албатта, Конституцияни янгилашдек ғоят муҳим, стратегик вазифани ҳал этишда биз етти марта эмас, етмиш марта ўйлаб, халқимиз билан ҳар томонлама маслаҳатлашган ҳолда, юртимиз ва жаҳондаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, аниқ қарор қабул қилишимиз зарур.

Олий Мажлис палаталари, ҳурматли депутат ва сенаторларимиз, муҳтарам нуронийлар, хотин-қизлар, ёшлар жамоатчилиги, ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос олимларимиз, илм-фан намояндалари, ижодкор зиёлиларимиз, бутун халқимиз бу масалада ўзининг аниқ фикр ва қарашларини билдирадилар, деб ишонаман.

Атоқли давлат ва сиёсат арбоби Уинстон Черчиллнинг **“Яхши бўлиш учун – ўзгариш керак, яхшиларнинг яхшиси бўлиш учун эса янада кўпроқ ўзгариш керак”**, деган сўзларида, ўйлайманки, теран ҳаётий маъно мужассам.

Дарҳақиқат, бугунги шиддатли давр биздан замонга мос ҳаракат ва ўзгаришларни талаб этмоқда. Ана шундай талабга жавоб берадиган мукамал Конституцияга эга бўлиш учун

Асосий қонунимизнинг янги лойиҳасини тайёрлашимиз, уни умумхалқ муҳокамасига қўйиб, билдирилган таклифлар асосида такомиллаштириш, ушбу муҳим сиёсий ҳужжатни 2022 йил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30 йиллик байрами нишонланадиган кунларда қабул қилиш, ўйлайманки, миллий давлатчилик анъаналаримизга, халқимиз манфаатларига муносиб иш бўлади.

Азиз ва қадрли ватандошлар!

Мана шу улуғ айёмда халқимизнинг дилидаги бир фикрни яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: **Янги Ўзбекистондаги ислохотлар энди ҳеч қачон ортга қайтмайди.**

Янги Ўзбекистон ғояси эл-юртимизнинг улкан интилиш ва иродаси билан умумхалқ ҳаракатига айланмоқда. Барчамиз ана шу улуғ мақсад йўлида янада жипслашиб, ғайрат-шижоат ва масъулият билан фидокорона меҳнат қилсак, кўзлаган юксак марраларимизга албатта етамиз.

Ишончим комил, орадан йиллар, асрлар ўтади, лекин ғоят қийин ва мураккаб, оғир синовли йилларда Янги Ўзбекистонни бунёд этишга муносиб ҳисса қўшган инсонларни келгуси авлодлар миннатдорлик билан эслайди.

Барчамизга ана шундай буюк бахт ва шараф ёр бўлсин!

Жонажон Ўзбекистонимиз доимо гуллаб-яшнасин!

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

Сиз, азиз ватандошларимни Конституция куни билан яна бир бор чин дилдан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

2021 йил 7 декабрь

Мирзо Улуғбек АБДУСАЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суднинг раиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист,
олий малака даражали судья



КОНСТИТУЦИЯ УСТУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида босқичма-босқич ва тизимли амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг, халқимиз миллий манфаатларини, тинч-осуда ва фаровон ҳаётини таъминлашнинг, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Сўзимиз аввалида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини тайёрлаш, уни муҳокама қилиш ва қабул қилиш тарихига қисқача тўхталиб ўтишни жоиз деб ҳисобладик. Чунки ушбу масала Ватанимиз мустақиллиги тарихининг ажралмас қисмидир.

Тарихга бир назар

1990 йил 20 июнда Мустақиллик декларациясининг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг янги Конституциясини ишлаб чиқиш учун асос бўлди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори билан янги Конституция лойиҳасини тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов раислигида давлат ва жамоат арбоблари, депутатлар, етук мутахассислардан иборат Конституциявий комиссия сайланди. Ушбу комиссия Конституция лойиҳасини тайёрлашга киришди.

Комиссия ишида ўша вақтда Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Мандат Комиссиясининг раиси, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам Бош қомусимизни яратиш ва қабул қилишдек мураккаб жараёнда кечган қизғин тортишув ва баҳс-мунозараларда ўзининг қимматли фикр-мулоҳазари билан фаол қатнашди¹.

Конституциявий комиссияга ёрдам бериш мақсадида Конституциянинг бўлимлари бўйича

ишчи гуруҳлар ҳам тузилган. Мен Конституциянинг тўртинчи – “Маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши” бўлими бўйича фаолият юритганман. Бу бўлимда А.Х.Саидов, Т.Т.Тожиев, Р.К.Қаюмов ва С.Д.Ниятуллаевлар билан биргаликда ишлаганмиз.

Конституция лойиҳасини тайёрлаш ва уни муҳокама қилишда ҳуқуқшунос олимлардан Ш.З.Ўразаев, А.А.Аъзамхўжаев, Х.Р.Раҳмонкулов ва бошқалар катта меҳнат қилишган.

Тақомилига етказилган Конституция лойиҳаси икки маротаба умумхалқ муҳокамасига қўйилиб, кўплаб таклифлар олинди. Масалан, республика матбуотининг ўзида фақат 1 октябрдан 11 ноябргача бўлган даврда Конституция лойиҳасига бағишланган юзга яқин мақола эълон қилиниб, уларда 511 та таклиф ва мушоҳадалар баён этилган эди. Конституциявий комиссияга бу борада мингдан ортиқ фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирилиб, 400 дан зиёд хат келиб тушган.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 1793 та таклиф ва тавсиялар олинди. Фуқаролар билдирган таклифларнинг жами сони 6 мингтадан ошиб кетган². Таклиф ва мулоҳазаларнинг ҳаммаси Конституциявий комиссия томонидан пухта ўрганилди ҳамда лойиҳа устидаги ишларни давом эттириш чоғида фойдаланилди. Натижада 50 дан ортиқ моддага аниқлик ва тузатишлар киритилди. Келиб тушган таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Конституция лойиҳаси матбуотда иккинчи маротаба эълон қилинди.

Конституция лойиҳаси 1992 йил 8 декабрда тантали вазиятда очилган Олий Кенгаш сессиясида ҳам батафсил муҳокама қилинди.

Конституциявий комиссиянинг охириги мажлисида И.А.Каримовнинг “Хотин-қизлар эркак-

лар билан тенг ҳуқуқлидирлар” деган жумлани алоҳида модда қилиб қўшсак”, дея билдирган таклифини депутатлар маъқуллагач, ушбу норма Конституция лойиҳасида 46-модда сифатида ўз аксини топди³.

Муҳокамалар давомида Ш.Ўразаев лойиҳанинг 64 ва 65-моддаларига киритилган қўшимчалар юзасидан изоҳ бериб, ушбу моддага (65-модда назарда тутилмоқда) “Халқ депутати Ҳалимаҳон Усмонованинг таклифи бўйича охирида “Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади”, деган яна битта жумла қўшиб қўйдик”, дея таъкидлади. Шунингдек, бу таклиф яна бир гуруҳ аёлларнинг илтимоси экани ва И.А.Каримов томонидан тўла қўллаб-қувватланганини маълум қилди⁴.

Мазкур маълумотлар Конституциямизни қабул қилишда умумхалқ фикрига, Конституциявий комиссия аъзолари, депутатлар, кичик ишчи гуруҳларда фаолият юритган мутахассислар ва бошқаларнинг мулоҳазаларига асосланганлигидан ёрқин далолат беради. Шунинг учун ҳам нуфузли халқаро ташкилотларнинг экспертлари ва таҳлилчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясида энг муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган ва умум эътироф этилган демократик принциплар ўз инъикосини топгани алоҳида таъкидлаб келинади. Бу жараёнлар ўзбек халқининг тарихида, Ўзбекистон ҳаётида биринчи марта замонавий давлатчилик асослари яратилиб, конституциявий тузумга асос солингани ва давлат ҳокимиятининг учта мустақил тармоғи – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари қарор топгани ҳамда том маънодаги конституциявий давлат барпо этилганидан далолат беради.

Албатта, ҳар қандай конституция ҳам мамлакатнинг асосий қонуни сифатида барқарор, стратегик хусусиятга эга бўлиши керак. Шу билан бирга, у қотиб қолган, ўзгармас ҳужжат эмас. Ижтимоий ҳаёт ривожланар экан, уни тартибга соладиган ҳуқуқий ҳужжатларнинг энг асосийси бўлмиш конституция ҳам ўзгариши мумкин.

Бинобарин, Конституциямизга ҳаёт тақозоси билан бир неча марта қўшимча ва ўзгаришлар киритилган. Шу жумладан, Конституциямизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ташкил этилиши ва ваколатларини белгилаб берган 108 ва 109-моддаларига ҳам тегишли ўзгаришлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг 2021 йил 6 ноябрда бўлиб ўтган қўшма

мажлисидаги нутқида **“Барча номзодларнинг сайловолди учрашувларида электорат вакиллари томонидан бугунги кунда ҳаётнинг ўзи, ислохотларимиз мантиғи талаб этаётган яна бир муҳим таклиф илгари сурилди. У ҳам бўлса, мамлакатимизда конституциявий ислохотларни амалга оширишдан иборат.**

Агар дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, туб бурилиш даврида кўпгина давлатларда конституциявий ислохотлар амалга оширилганини кўрамиз. Шу сабабли, аввало, сенатор ва депутатларимиз, кенг жамоатчилигимиз, халқимиз билан яна бир бор маслаҳат қилиб, жаҳон конституциявий тажрибасини ўрганиб, пухта ўйлаган ҳолда бугунги ва келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган Асосий қонунимизни такомиллаштириш масаласини ҳам кўриб чиқишимиз керак”⁵, дея алоҳида тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат бошқаруви самарадорлиги соҳасидаги устувор вазифаларни белгилаб берар экан, улардан бири сифатида **“сайловларнинг пропорционал тизимига” ўтиш** каби ислохотлар тўғрисида ўйлаб кўриш кераклигини таъкидлади⁶.

Шунингдек, ҳокимларнинг ижро ва вакиллик ҳокимияти раҳбари сифатидаги ваколатларини алоҳида-алоҳида ажратиб қўйиш муҳим вазифа эканлигини белгилаб берди.

Агар Ўзбекистонда *“сайловларнинг мажоритар тизимидан” “пропорционал тизимига” ўтиладиган, шунингдек, ҳокимлар ва вакиллик ҳокимияти органларининг ваколатлари алоҳида-алоҳида белгиладиган бўлса, бу масалалар Конституциямизга тегишли ўзгартиш киритишни тақозо этади.*

Шу билан бир қаторда, Конституциямизнинг **“Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби”** деб номланган олтинчи бўлимидаги 128-моддасини такомиллаштириш тўғрисида фикр билдирмоқчи эдим. Ушбу модданинг биринчи жумласи қуйидагича ифодаланган: **“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли таклиф киритилгандан кейин олти ой мобайнида Конституцияга ўзгартиришлар ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисида кенг ва ҳар тарафлама муҳокамани ҳисобга олган ҳолда қонун қабул қилиши мумкин”.**

Бу нормадаги *“олти ой мобайнида”* деган сўзларни *“олти ой ўтгач”* деган сўзлар билан алмаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, **биринчидан**, бу ҳокимият тармоқлари ўртасидаги ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати принципи амалга оширилишининг механизми си-

фатида хизмат қилса, **иккинчидан**, ушбу моддадаги “кенг ва ҳар томонлама муҳокама” ўтказиш учун албатта кўпроқ вақт талаб қилинади.

Конституциянинг устунлиги

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси туфайли жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий қиёфаси шиддат билан ўзгариб, ҳаётимизда янгича муносабатлар, янги имконият ва янги қадриятлар шаклланаётганига ҳалқимиз гувоҳ бўлиб турибди. Фундаментал демократик тушунчалар ва ҳаётий кўникмалар қаторида **“қонун устунлиги”** принципи ҳам реал воқеликка айланмоқда. **Қонун устунлиги** – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши демакдир.

Президентимиз кўрсатиб берганидек, янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегиясида ушбу соҳадаги энг устувор вазифамиз Ўзбекистоннинг дунёдаги “қонун устунлиги индекси” юқори даражада бўлган давлатлар қаторига киришини таъминлаш ва аҳолининг адолатли судловга бўлган ишончини оширишга ёрдам беради⁷.

Мамлакатимизда Конституция устунлигига эришиш ва унинг нормаларига оғишмай риоя қилиш доимий эътиборда. Бу эса кўп жиҳатдан Конституциявий суд томонидан конституциявий назорат фаолиятининг самарали амалга оширилиши билан боғлиқ.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда конституциявий одил судлов миллий ҳуқуқий тизимда нисбатан янги ва ривожланаётган йўналишдир. Янги йўналишнинг ривожланиши эса бир текисда кечмаслиги маълум.

Янги Ўзбекистон шароитида конституциявий назорат институтини кучайтириш ва амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришни тақозо қилувчи масалалар, ўз ечимини кутаётган муаммолар йиғилиб қолган эди.

Чунончи, конституциявий суд ишларини юритишнинг ҳуқуқий механизмларини қонун билан тартибга солишга, конституциявий шикоят институтини жорий этишга эҳтиёж сезилаётган эди.

Бундан ташқари, конституциявий суд ишларини юритиш амалиётининг таҳлили мамлакатимизда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳал этилиши лозим бўлган яна бир қатор долзарб вазифалар ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни тақозо қиладиган масалалар мавжудлигини кўрсатарди.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз **“...мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун биз ҳаётимизнинг барча жабҳаларида конституциявий назоратни кучайтиришимиз зарур”⁸**, деб алоҳида таъкидлагани бежиз эмас.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида қонун нормаларининг Конституцияга мувофиқлигини ўрганиш юзасидан Конституциявий судга мурожаат қилиш тартибини соддалаштириш, унинг субъектлари доирасини кенгайтириш назарда тутилган вазифалар белгиланди. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, 2021 йил 27 апрелда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги янги Конституциявий қонун қабул қилинди.

Янги қонуннинг ўзига хос хусусиятлари

Янги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимида Конституциявий суднинг ролини янада оширишда муҳим омил бўлади. Қонунга биноан фуқаролар ва юридик шахсларга қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлашни сўраб Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилди. Бу янги Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва унинг мустақиллигини амалда таъминлашга йўналтирилган тизимли ислохотлар бераётган юксак самаралардан биридир.

Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга субъектлар доираси сезиларли даражада кенгайди. Улар сафига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил киритилди.

Қонун билан Конституциявий суд судьяларининг сони оширилди. Эндиликда Конституциявий суд тўққиз нафар судьядан иборат таркибда сайланади.

Агар илгари Конституциявий суднинг раиси ва унинг ўринбосари парламентнинг юқори палатаси томонидан сайланган бўлса, энди улар

Конституциявий суд судьялари томонидан сайланади, бу эса ўз навбатида, уларнинг давлат ҳокимиятининг бошқа органларидан мустақиллигини таъминлашга қаратилган.

Конституциявий суд судьялари мустақиллигини таъминлаш мақсадида янги қонунга Конституциявий суд судьясининг ваколатлари муддати биринчи марта сайланганида беш йилни, навбатдаги сайланганида ўн йилни ташкил этиши, шунингдек, айтиш зарурки, жорий йил 20 август куни Президентимиз мамлакатимиз тадбиркорлари билан бўлиб ўтган очиқ мулоқот

қоғида “...хусусий мулк дахлсизлиги бора-сидаги сиёсатни қатъий давом эттирамыз”, деб алоҳида таъкидлади. Бу эса хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида бўлишини амалда таъминлашни талаб этади. Бизнес омбудсманга Конституциявий судга масала киритиш ҳуқуқининг берилиши айнан тадбиркорларнинг конституциявий ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Шубҳасиз, қонунчиликдаги мазкур янгиликлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимида Конституциявий суднинг ролини янада ошириш, мамлакатда Конституция ва қонун устунлигига эришиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг натижаси, айниқса, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга алоҳида эътибор берилаётганлигининг яққол далилидир.

Фурсати келганда айтиш зарурки, жорий йил 20 август куни Президентимиз мамлакатимиз тадбиркорлари билан бўлиб ўтган очиқ мулоқот



1. Ш.М.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017, 101 бет.
2. А.Х.Саидов. Ўзбекистон Конституцияси тарихи. Тошкент, “TASVIR” nashriyot uyi, 2018, 240 бет.
3. А.Х.Саидов. Ўзбекистон Конституцияси тарихи. Тошкент, “TASVIR” nashriyot uyi, 2018, 248 бет.
4. А.Х.Саидов. Ўзбекистон Конституцияси тарихи. Тошкент, “TASVIR” nashriyot uyi, 2018, 249 бет.
5. “Халқ сўзи” газетаси, 2021 йил 7 ноябрь (xs.uz/uzkr/post/yangi-ozbekiston-taraqqiyot-strategiyasi-asosida-demokratik-islohotlar-jolini-qatij-davom-ettiramiz).
6. Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент, “O‘zbekiston” нашриёти, 2021, 90 бет.
7. Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент, “O‘zbekiston” нашриёти, 2021, 108-109 бетлар.
8. Ш.М.Мирзиёев. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2019 йил, 8 декабрь сони.

Актам ҲАИТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари,
ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари



МУЛК ҲУҚУҚИ КАФОЛАТИНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Бу йил тинч ва фаровон ҳаётимизнинг муҳим кафолати, жамиятимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигига 29 йил тўлди. Ўтган давр мобайнида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш ҳамда аҳоли фаровонлигини юксалтиришда Бош қомусимиз муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Президентимизнинг 2016 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда **“Конституциямизда белгиланган қонун устуворлиги принципи жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, барча ислохотларни самарали амалга оширишнинг муҳим кафолатидир”** деган сўзлари Асосий қонунимизнинг ҳаётимизда нақадар муҳим ўринга эга эканлигидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодийтимизда мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини таъминлашдан туриб ривожланишга эришиш қийин. Бу Конституциямизда ҳам алоҳида белгиланган бўлиб, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Конституциямизнинг 54-моддасида “Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт”, деб белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда ҳар қайси хусусий мулкдорнинг қонуний йўл билан кўлга киритган мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилинмаслигини таъминлайдиган ишончли ҳуқуқий кафолатлар тизими яратилган. Чунки мулкнинг эгаси бўлса, меҳнат унумдорлиги бир неча маротаба ортади. Мулкдорнинг кайфияти, интилиши, иш юритиши, ўз фаолиятига, умуман, ҳаётга муносабати бошқача бўлади. Мулк эгаси доимо ўз ишини яхшилаб бориш, мулкига мулк қўшиш учун тиним билмай ҳаракат қилади.

Демак, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ишончли ҳимоячиси эканлигини ҳар бир тадбиркор аниқ-равшан билиб, ҳис қилиб туриши керак.

Ўз навбатида, тадбиркорлар ўз бизнесига беҳавотир инвестиция жалб этиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгалик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим.

Бинобарин, Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, хусусий мулкнинг қонуний ҳамда амалий жиҳатдан устувор ролини таъминлаш, иқтисодийтимизда давлат улушини босқичма-босқич камайитириш борасида кенг камровли, аниқ ва манзилли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Биргина сўнгги беш йилда соҳани ривожлантиришга қаратилган 2 мингга яқин қонун, фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши туфайли 114 та лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди, 33 та фаолият тури хабардор қилиш тартибига ўтказилди. Ортиқча текширишлар, нақд пул,

валюта ва хомашё бўйича кўплаб чекловларга ҳам барҳам берилди.

Бундай қулайлик ва имкониятлар натижа-сида янги тадбиркорлик субъектлари кескин кўпайиб, охирги беш йилда тадбиркорлар сони қарийб 3 баравар ошди. Ўтган даврда кўп иш-билармонлар ўз бизнесини бутун мамлакат миқёсида кенгайтириб, минглаб иш ўринлари яратиб, нуфузли йирик компанияларга айлан-ди. Ички ва ташқи бозорда ўз нуфузи, бренди-га эга тадбиркорлар синфи шакллана бошлади.

Масалан, қўшилган қиймат солиғи ставкаси 2020 йилда 20 фоиздан 15 фоизга туширилган бўлса, 2023 йилдан бошлаб эса 12 фоизга ту-ширилиши кўзда тутилмоқда. Бу тадбиркорлар учун катта имконият ва рағбат демакдир. Келгу-си йили корхоналарнинг мол-мулк солиғи став-каси 2 фоиздан 1,5 фоизга камайтирилиши эса тадбиркорлар ихтиёрида йилига 500 миллиард сўм маблағ қолади, деганидир.

Яна бир янгилик – 2023 йилдан юридик шахс-ларнинг мол-мулк ва ер солиқларини бирлашти-риб, ягона кўчмас мулк солиғи жорий қилинади. Ҳозирги вақтда банк, молия, телекоммуника-ция каби тадбиркорлик йўналишларида фойда солиғи ставкаси ҳар хил бўлиб, улар амалдаги 20 фоиздан 15 фоизга туширилади ва барча тад-биркорлар учун бир хил бўлади.

Қувонарли томони, йўл қурилиши, иссиқлик таъминоти, ободонлаштириш хизматлари каби 25 та фаолият туридаги монополияга барҳам бе-рилиб, энди бу соҳаларда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига кенг йўл очилади.

Туманлар ҳамда шаҳарларда мавжуд бўлган бир нечта тадбиркорликка кўмаклашадиган ту-зилмалар негизда Тадбиркорлар кенгаши таш-кил этилади.

Президентимизнинг жорий йил 20 август куни юртимиз тадбиркорлари билан илк бор ўт-казган очиқ мулоқотида турли масалаларга оид 15 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушганлиги қайд этилгани ҳам мамлакатимизда кичик биз-нес ва тадбиркорлик соҳасида мавжуд муаммо-лар кўлами ва уларни бартараф этиш зарурияти нечоғлик муҳим эканлигидан далолат беради.

Албатта, ҳар бир мамлакат ўзининг тараққиёт йўлини танлар экан, халқ фаровонлигини таъ-минлашга хизмат қиладиган энг муҳим мақсад ва вазифаларини ўз Конституциясида мустаҳкам-лаб олади. Зеро, ўз халқининг хоҳиш-иродаси, дили ва тилидаги эзгу ниятларига ҳамоҳанг Конституциясига эга бўлган мамлакат ўзи бел-гилаган юксак марралардан ҳеч қачон оғиш-масдан, доимо олдинга қараб боради.

Айтиб ўтиш керакки, партиямиз мамлака-тимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати, ор-номуси, эҳтиёжлари ва ман-фаатларига қаратилганини алоҳида эътироф этади. Давлат иқтисодий сиёсати самарадорли-гининг бош мезони – мамлакатнинг рақобатбар-дошлиги, фуқаролар ҳаётининг сифати, оилалар фаровонлигининг изчил ва жадал юксалиши, деб билади.

Макроиқтисодий барқарорликни, давлат бюджети мутаносиблигини таъминлаш, маҳал-лий бюджетларнинг даромадлар қисмини мустаҳкамлаш, бутун солиқ тизимини сод-далаштириш, молия бозори барқарорлигини таъминлашга қаратилган қатъий пул-кредит сиёсатини амалга оширишга йўналтирилган макроиқтисодий сиёсатни қўллаб-қувватлайди. Бунинг бирдан бир самарали йўли – бозор ис-лохотларини янада чуқурлаштиришдир.

Биз иқтисодиётимизни янада эркинлашти-риш, тадбиркорларга кенг йўл очиб бериш сиё-сатини бундан кейин ҳам самарали давом эт-тираемиз. Айниқса, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида электоратимиз бўлган тадбиркорлар таклифларини мунтазам ўрганиш ва таҳлил қилишга катта эътибор қара-тамиз. Зеро, Конституция ва қонунлар устун бўл-ган юрtdа адолат тамойиллари таъминланади, барқарор иқтисодий ўсиш кафолатланади.

Шунинг баробарида, партиямиз мамлакат-даги етакчи сиёсий куч сифатида Ўзбекистон-нинг бизнес юритиш ва инвестиция киритиш учун энг жозибадор давлатлар қаторидан ўрин эгаллашини таъминлаш, саноатнинг юқори тех-нологияли тармоқларига тўғридан-тўғри хори-жий инвестициялар жалб қилинишини рағбат-лантириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришга йўналтирилган фаол инвестициявий сиёсат юритилишининг тарафдоридир.

Бир сўз билан айтганда, Асосий қонунимиз шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муноса-батларда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда уларнинг кафолатларини аниқ-равшан бел-гилаб берди. Тўла ишонч билан айта оламиз-ки, Конституциямиз мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ҳаётнинг барча соҳаларида изчил ва босқичма-босқич, узвий ва тизимли равишда амалга оширилаётган кенг қамровли демократик ислохотларнинг мус-таҳкам юридик манбаи ҳамда асосий ҳуқуқий кафолатидир.

Зухра ИБРАГИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари,
“Адолат” СДП фракцияси раҳбари



ОЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР МУЖАССАМ ҚОМУС

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳаётимиз, тараққиётимиз учун аҳамияти бениҳоя юксак. Бош қомусимиз мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг тинч-осуда, фаровон ҳаётини таъминлашнинг муҳим асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Асосий қонунимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг онгида Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат, қонунларимизга ҳурмат туйғусини мустаҳкамлаш бизнинг устувор фаолият йўналишларимиздан биридир. Аслини олганда ҳам конституция ҳар қандай давлатнинг юзи, унинг обрў-эътибори ҳисобланади.

Шуни алоҳида мамнуният билан қайд этамизки, Бош қомусимиз жаҳонда амалдаги энг демократик конституциялардан бири бўлиб, давлатимиз ва жамиятимизнинг ривожланиши, демократик ислохотлар жадаллиги ва самардорлигини ошириш мақсадида ўзаро ҳамкорлик қилиш учун барча шароитларни яратиб бермоқда.

Биз бу ўринда “амалдаги” сўзига бежиз урғу бермадик. Зотан, қонунни қабул қилиш масаланинг бир томони, иккинчи томони эса унга оғишмай амал қилишдир. Биз ўзимизга хос истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаб олар эканмиз, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган энг муҳим мақсад ва вазифаларимизни Асосий қонунимизда мустаҳкамлаб олганмиз. Чунки ўз халқининг хоҳиш-иродаси ва эзгу ниятларига ҳамоҳанг конституциясига эга бўлган давлат ўзи белгилаган, мақсад қилган юксак марралар сари олға боради ва кутилган натижаларга эришади.

Шу боисдан мамлакатимиз Конституцияси-

ни эҳтиром билан улуғлашимиз, ҳар томонлама ўрганишимиз, унга изчил амал қилишимиз, Бош қомусимизда мужассам бўлган аجدодларимизнинг буюк мероси ва умуминсоний қадриятларни ёшларимиз қалбига чуқур сингдириб боришимиз зарур. Зеро, **Конституция устунлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир.**

Маълумки, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ўзининг кенг кўламли фаолиятини мамлакатимиз Конституцияси белгилаб берган ҳуқуқ ва эркинликлар, бурч ва мажбуриятлар доирасида олиб бормоқда.

Жумладан, партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги фракцияси жорий йилнинг 9 ойи давомида ўз фаолиятининг асосий йўналишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этган Мурожаатномасида белгиланган устувор йўналишларни самарали рўёбга чиқариш, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариш, шунингдек “Адолат” социал-демократик партиясининг сайловолди дастурида қайд этилган эзгу мақсад ва ғояларни ҳаётга татбиқ этиш ҳамда фракциянинг мамлакатдаги ислохотларни амалга оширишга кўмаклашишга қаратилган 2021 йилга мўлжалланган иш режаси доирасида олиб борди.

Фракциянинг 2021 йилги иш режасида “Адо-

лаг” СД партиясининг сайловолди дастурига мувофиқ, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид муҳим қонун лойиҳаларини тайёрлаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу боис, жорий йилнинг ўтган даврида фракция аъзолари томонидан парламентнинг Қонунчилик палатасига қонун лойиҳалари юзасидан тегишли таклифлар ва фикрлар партия позициясидан келиб чиққан ҳолда тақдим этилди.

Хусусан, Ўзбекистон “Адолат” СД партияси фракциясининг қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган 35 та йиғилиши ўтказилиб, уларда 128 та қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, фракция фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган қарор ва фармонлари, долзарб ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий масалалар бўйича фракциянинг позицияларини ишлаб чиқиш механизмларини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилди.

Чунончи, Президентимизнинг қарор ва фармонлари, вилоятларга ташрифларидаги маърузалари, хорижий давлатларга ташрифлари мазмун-моҳияти ва улардан келиб чиқувчи фракция позициясини шакллантириш бўйича 13 та масала кўриб чиқилди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, фракция аъзолари Қонунчилик палатасининг ялпи мажлислари кун тартибига киритилган барча қонун лойиҳалари бўйича қизгин муҳокамаларда иштирок этди. Муҳокамалар жараёнида қонун лойиҳаларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича “Адолат” СД партияси фракцияси аъзолари томонидан 90 дан ортиқ таклифлар берилди ҳамда партиянинг сайловолди дастури нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда 70 дан ортиқ муносабат билдирилди.

Фракция фаолиятида партия сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда қонунларнинг ва Қонунчилик палатаси қарорларининг лойиҳалари юзасидан партиянинг қуйи тизимидан таклифлар олиш ҳамда умумий позицияни шакллантириш йўлга қўйилди. Партия тизимида “фракция – марказ – вилоят – туман” тартибида ишлайдиган янги тизим жорий этилди.

Ишлаб чиқилган тизим бўйича дастлабки тарзда фракцияга келиб тушадиган қонун ва Қонунчилик палатаси қарорлари лойиҳалари фикр ва таклифлар олиш, амалиётдаги муаммоларни таҳлил қилиш учун фракция ижрочи котиби орқали партиянинг Марказий аппарати-га тезкор юборилиши ва шу куннинг ўзида Марказий аппарат томонидан партиянинг ҳудудий ҳамда маҳаллий Кенгашларига етказилиши йўлга

қўйилган. Ўз навбатида, партиянинг экспертлари ва бошланғич ташкилотлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, партиянинг туман ва шаҳар ҳамда ҳудудий Кенгашлари томонидан жамланган ҳолда тақдим этиш, ҳудудлардан келган таклифларни эса умумлаштириб, фракцияга юбориш амалиёти жорий этилди.

Янги тизим орқали фракцияга тақдим этилган қонун лойиҳалари бўйича билдирилган фикр ва таклифлар фракция йиғилишларида муҳокама қилиниши амалиёти йўлга қўйилди. Натижада ҳисобот даврида 19 та қонун лойиҳалари бўйича партиянинг қуйи тизимларидан фракцияга 120 дан ортиқ таклифлар тақдим этилди.

Айни пайтда Асосий қонунимизда белгиланган ҳуқуқий меъёрлар қотиб қолган, мутлақ ўзгармас тушунчалар эмас. Бугун юртимиз мисли кўрилмаган даражада, юқори суръатларда тараққий этмоқда, кенг кўламли ислохотлар ҳаётга татбиқ этилмоқда, кишилар онгида, жамиятда улкан ижтимоий, сиёсий, маданий ва маънавий эврилишлар юз бермоқда, янги Ўзбекистон шаклланмоқда. Шунга мутаносиб равишда амалдаги ҳуқуқий меъёрлар қатори Бош қомусимизга ҳам айрим таҳрирлар ва ўзгартишлар киритмоқдамиз. Тараққиёт талаби ҳам аслида шу.

Бу жараёни чуқур англаган Президентимиз яна бир ташаббус билан чиқди. Яъни янги муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йил 6 ноябрь куни лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида ушбу масалага алоҳида тўхталиб, халқимиз билан бамаслаҳат, жаҳон конституциявий тажрибасини ўрганган ҳолда бугунги ва келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган Асосий қонунимизни такомиллаштириш билан боғлиқ конституциявий ислохотларни амалга ошириш ҳақида таъкидлаб ўтди.

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш жоизки, биз, депутатлар мамлакатимиз раҳбарининг ташаббусларини қўллаб-қувватлашга, янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлидаги ислохотларга камарбаста бўлишга ҳамisha тайёрмиз. Бу жараён эса ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди.

Биз, депутатлар, аввало, Бош қомусимизни янада такомиллаштириш масаласини чуқур ўрганишимиз, мутахассислар, халқимиз билан қайта-қайта маслаҳатлашимиз, бу борадаги жаҳон амалиётининг энг илғор тажрибаларини чуқур таҳлил қилишимиз лозим бўлади. Ана шундан кейингина керакли ечимга, энг мақбул тўхтамга келинади, албатта.

Ходжимурод ОДИЛҚОРИЕВ,

Тошкент давлат педагогика
университети бўлим бошлиғи,
юримдик фанлар доктори, профессор

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУНЧИЛИК ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ

Аннотация. Мақолада мамлакат Конституциясининг жамият ва давлат ҳаётидаги аҳамияти, унинг қонунчилик тизими баҳамжиҳат этувчи, уюштирувчи ва йўналтирувчи роли, шунингдек қонунчилик тизимининг моҳияти ҳамда уни модернизация қилиш талаблари ва йўналишлари илмий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: конституция, қонунчилик тизими, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, модернизация қилиш, қонунчиликнинг ривожланиш тенденциялари ва баҳолаш мезонлари.

Аннотация. В статье научно анализируются значение Конституции в жизни общества и государства, её интегрирующая, организующая, направляющая роль для системы законодательства, сущность законодательной системы, а также требования и направления ее модернизации.

Ключевые слова: конституция, система законодательства, нормативно-правовые акты, модернизация законодательства, тенденции развития и критерии оценки законодательства.

Annotation. The article scientifically analyzes the meaning of the Constitution in the life of society and the state, its integrating, organizing, directing role for the system legislation, the essence of the legislative system, as well as the requirements and directions of its modernization.

Keywords: constitution, system of legislation, normative legal acts, modernization of legislation, development trends and criteria for assessing legislation.

Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги инновацион тараққиёти даврида кузатилаётган тенденциялардан бири – давлат ва жамият ҳаётининг ҳуқуқий асосларини мустақамлашда Конституциянинг, конституциявий-ҳуқуқий тартибга солишнинг роли ва аҳамияти сезиларли ортганлигидир.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев Асосий қонунимиз қабул қилинган сана муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табригида қуйидагиларни таъкидлади: **“Ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий қиёфаси, одамларимизнинг дунёқараши бутунлай ўзгаргани, ҳар бир юртдошимиз мамлакатимизнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётгани Бош қонунимизнинг ҳаётбахш қудрати ва улкан салоҳиятидан далолат беради. ...Конституциямиз яратиб берган улкан ҳуқуқий имкониятларнинг самараси бўлган бундай ютуқ ва натижалар барчамизга албатта юксак гуруҳ ва ифтихор бағишлайди”¹.**

Дарҳақиқат, Конституциямиз асосида мамлакатимизда миллий қонунчилик тизими қарор топди, давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

Мирзиёев 2021 йил 6 ноябрдаги лавозимга киришиш маросимида сўзлаган нутқида яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиб, Бош қонунимизни такомиллаштириш билан боғлиқ конституциявий ислохотларни амалга ошириш масаласини ҳам кўриб чиқиш кераклиги ҳақида алоҳида тўхталди.

Конституция юксак сиёсий нуфуз ва олий юридик мақомга эга ҳужжат сифатида мамлакат қонунчилик тизимида марказий ўрин тутди. У нафақат қонунчилик эҳромининг чўққисида туради, балки бутун қонунчилик мажмуининг ўзагини ташкил этади. Конституция, унинг принциплари ва барча қоидалари қонунчилик шаклланиши ҳамда ривожланиши учун йўналтирувчи аҳамият касб этади. Конституция қонунчиликни ривожлантиришнинг яхлит, ягона ва мукамал ишланган стратегияси сифатида майдонга чиқди. Зеро, у таъкидлаганимиздек, жамиятимиз ҳуқуқий ва қонунчилик тизимининг асосини, таъбир жоиз бўлса, “юраги”ни ташкил этади. Жами қонунчиликнинг пойдевори, асосий манбаи ҳисобланади. Бутун ҳуқуқий тизим таркибий қисмларининг, шунингдек қонунчиликнинг ички ўзаро мутаносиблиги, алоқадорлиги, баҳамжиҳатлиги бевосита конституция туфайлидир.

Мустақил давлат сифатида босиб ўтилган йўл

ва орттирилган тарихий тажрибамиз юксаклигидан Конституциямизга, у яратилган ижтимоий-сиёсий муҳитга назар ташлайдиган бўлсак, Асосий қонунимизнинг бутун маҳобатини, жамият ва давлатимиз тараққиёти учун кадр-қиммати, аҳамияти ҳамда бунёдкорлик салоҳиятини янада те-ранроқ ҳис этиш мумкин. Шу тариқа барча ютуқ ва муваффақиятларимизда унинг роли, таъсири беқиёс эканлигини англаймиз. Бугун тўла асос билан эътироф этиш мумкинки, Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда².

Алоҳида мамнуният билан айта оламизки, Конституциямизнинг ҳаётбахш салоҳияти ва бунёдкорлик рағбати кун сайин ошиб бормоқда. У демократик ислохотлар учун дастуриламал бўлиб, ҳозирги босқичда мамлакатимизни инновацион ривожлантиришнинг асосий мезони, юридик кафолати, бутун ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳуқуқий тизимни модернизация қилишнинг устувор асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини модернизациялаш айнан Конституциянинг халқ ҳокимиятчилиги, демократизм, сиёсий плюрализм, ҳокимиятлар тақсимланиши ва қонун устунлиги принциплари асосида амалга ошмоқда.

Конституциямизнинг беназир кадр-қиммати ва юксак нуфузи, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни шундаки, у *аввало*, халқимизнинг қатъий иродасини, ёрқин истиқболга йўналтирилган интилишини акс эттирган, *иккинчидан*, жамиятимиз маърифий дунё илгари сураётган замонавий талабларга мос етуклик даражасига эришиб бораётганлигини, илғор маънавий ва маданий мезонлар асосида яшаш тажрибасини ўзлаштираётганини ихчам, сермаъно ҳуқуқий тамойил ва қоидаларда ифодалаб берган. Шу муносабат билан Конституциямизни нафақат истиқболимизнинг бош ҳуқуқий кафолати, балки инновацион юксалиш ва камолот сари одимлаб боришимизнинг ишончли гарови, дейишга барча асослар мавжуд.

Таъкидлаш ўринлики, Асосий қонунимизнинг алоҳида қоидалари айнан Конституция ва қонун устунлигини таъминлаш масалаларига бағишланган. Ҳақиқатан ҳам, ушбу конституциявий тамойил, давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, биз бунёд этаётган демократик

ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланади³. Чинакам ҳуқуқий давлат барпо этиш учун адолатли, инсонпарвар, демократик ҳамда халқчил қонунлар тантанасига, пировардида халқ иродаси бўлмиш ҳуқуқ устунлигига эришиш лозим.

Маълумки, Конституция халқимиз хоҳиши-истаги ва иродасини мужассам ифодаловчи Асосий қонун сифатида ҳуқуқий ва қонунчилик тизимининг марказидан жой эгаллайди. Шу боис, аввало Конституциянинг, қолаверса, барча қонунларнинг устунлиги таъминланиши конституциявий даражада мустақамланган асосий принциплардандир (15 ва 16-моддалар). Уни собитқадамлик билан ҳаётга сингдириб, жамият аъзолари ижтимоий онгида **“ҳазрати қонун”** деган эътиқод, ички туйғу ва ишонч қарор топтирилсагина, амалда чинакам қонун ҳукмронлигига эришиш мумкин бўлади. Шу билан бирга, “Конституция ҳамда қонун талабларига оғишмай амал қилиш, – Президент урғу берганидек, – маънавий савиямиз, маданиятимизнинг асосий мезонига айланиши шарт”⁴.

Дарҳақиқат, Конституцияга қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларимиз миллий давлатчилик ва суверенитетни мустақамлаш, барқарорлик муҳити ва ҳуқуқий тартиботни, жамиятда қонун устунлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли кафолатлаш, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш учун муҳим замин ҳисобланади. У халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш, фуқароларнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, ташаббускорлигини рағбатлантириш борасида беқиёс ҳуқуқий кафолатларни яратиб бермоқда.

Асосий қонунимизда норматив расмийлашган давлат (халқ) иродаси олий ирода сифатида бутун қонунчилик тизимини уюштирувчи ва ҳаракатлантирувчи куч, унга импульс берувчи сарчашма манба саналади. Ўз ўрнида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳар қайсиси, уларнинг ҳар бир юридик нормаси (моддаси) ҳукмрон иродавий характерга эга бўлиб, ваколатли давлат органлари томонидан чиқарилади. Демак, уларда давлат иродаси жамланади (ифодаланади), улар орқали бу ирода жамият ҳаётига сингдирилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги давлат талаби (амри)нинг бузилиши эса ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарувчи юридик жавобгарликка сабаб бўлади⁵. Зеро, жорий қонун ва қонуности ҳужжатларида ифодаланган давлат иродаси Конституцияда мустақамланган халқнинг олий иродасига бўйсунувчи, унга мувофиқ келувчи

реал иродадир. Мамлакатда амал қилувчи қонунчилик тизими Конституция таъсирида шаклланган, ўз табиатига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг структуралашган тузилиши бўлиб, мантиқий ички мутаносиблик, ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликка асосланган ҳолда ҳаракатланувчи норматив тизимдир.

Шунга кўра, агар Конституция ягона шох – ўзак бўлса, қонунчиликнинг барча соҳавий тармоқлари унинг атрофида жамланиб, яхлит гулдаста мисол бир бутун тизимни ҳосил қилади, дейиш мумкин. Профессор Ю.Тихомировнинг эътирофича, конституциявий қонунчилик мамлакат қонунчилигининг давлат қурилиши ва ҳокимият органлари фаолиятининг принципларини, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи, фуқаролик жамиятининг асосий жабҳаларини тартибга солувчи ва ҳуқуқий тизимни яратувчи алоҳида тармоғидир. У етакчи тармоқ сифатида барча қонунчилик соҳалари ва тизимининг яхлитлигини таъминлайди⁶.

Конституциянинг маъно-мазмуни ва моҳияти унинг қуйидаги функцияларида намоён бўлади:

давлат суверенитети, давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатларини белгилаш;

давлатнинг маъмурий-худудий бўлинмалари ҳуқуқий мақомини белгилаш;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини белгилаш ва кафолатлаш;

шахс – жамият – давлат ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни мувофиқлаштириш;

қонунчилик тизимининг асосий йўналишларини аниқлаш ва бошқалар.

Мутахассис олимларнинг умумий эътирофига кўра, **қонунчилик тизими** – қонунчиликнинг структуравий тузилиши бўлиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва юридик қоидаларнинг қонунчилик соҳалари ва институтларига дифференциаллашиб уюшган барқарор гуруҳланишида ўз аксини топади ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро ички алоқадорлигига асосланган муштарак йиғиндиси сифатида майдонга чиқади. Қонунчилик ҳужжатларининг ягона тизимга бирикишида уларнинг юридик кучи, ўзаро иерархик мутаносиблиги асосий мезон вазифасини ўтайди⁷.

Ўзбекистон Республикаси янгиланаётган бугунги вазиятда шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Конституция мамлакат қонунчилик тизимини мунтазам такомиллаштириш, уни янги давр эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда модернизация қилиш функциясини адо этади. Жамиятда амалга оширилган ва келгусида режалаштириляёт-

ган қонун ижодкорлиги фаолиятининг мазмуни, кўлами ва янгиланиш даражаси Бош қомусимиз билан бевосита боғлиқдир.

Қонунчилик тизимини модернизация қилиш – бу қонун ва қонуности ҳужжатларини замонавий асосларда янгилаш, сифат жиҳатдан янада такомиллаштириш, унинг функцияларини оқилона усул ҳамда шаклларда намоён этиш, ижро этилишининг самарали ҳуқуқий механизмларини яратиш, ички мантиқий алоқадорлиги ва барқарорлигини кучайтириш демакдир. Бунда давр илгари сураётган ҳуқуқий идеалларни ифодаловчи қадриятлар ва институтларни мустаҳкамловчи янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар вужудга келтирилиши асносида замонавий ҳуқуқий инфратузилма қарор топтирилади⁸.

Қонунчилигимиз қайси устувор йўналишда ва қай тарзда такомиллаштирилиши, модернизация қилиниши лозим, деган саволга энг умумий тарзда қуйидагича жавоб бериш мумкин:

а) ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларига, иқтисодиётнинг устувор жабҳаларига тааллуқли ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунларни яратишга эътибор қаратиш;

б) сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳанинг ўта муҳим ва долзарб масалалари бўйича қонунларни қабул қилиш, уларни мунтазам янгилаб, такомиллаштириб бориш;

в) давлат идораларининг ҳуқуқий мақомини, сиёсий тизимини бошқа таркибий қисмлари мавқеини демократия ва ҳуқуқий давлатчилик принциплари асосида мукаммаллаштиришга қаратилган қонунлар чиқариш;

г) инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли кафолатлаш, уларга қатъий риоя этиш, уларни муҳофаза қилишга йўналтирилган қонунлар яратиш ва шу орқали жамиятда мустаҳкам қонунийлик муҳитини, чинакам демократик ҳуқуқий давлатни вужудга келтиришга кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини конституциявий стратегия асосида такомиллаштириб бориш, туб ҳуқуқий ва қонунчилик *ислохотларининг ягона миллий концепцияси*ни яратиш бугуннинг долзарб вазифаси. Унда ҳуқуқий ва қонунчилик тизимлари борасидаги *ислохотларнинг мақсади, вазифалари ва устувор йўналишлари ўз аксини топиши мақсадга мувофиқ. Ушбу* *ислохотларнинг асосий мазмуни, биринчидан, Ўзбекистон давлат мустақиллигининг ҳуқуқий (қонунчилик) базасини янада такомиллаштириш лозимлигидан, иккинчидан, мамлакатда ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини қарор топтиришнинг ҳуқуқий асосларини*

кучайтириш заруриятдан, *учинчидан*, демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини реал кафолатлаш мақсадларидан келиб чиқишидан иборат.

Қонунчилик тизимини модернизациялашнинг асосий талаблари сифатида қуйидагиларни белгилаш ўринли:

қонунчилик соҳаларини демократлаштириш (либераллаштириш), инсонпарварлаштириш, уларни ижтимоий адолат тамойили асосида такомиллаштириш;

қонунчилик тизимини ижтимоийлаштириш; одил судловга ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга оид қонунларни инсоний қиёфага келтириш;

фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини янада ошириш, ишларни судда кўриш сифатини яхшилаш ҳамда холис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини яратиш (кенгайтириш);

қонунларнинг тўғридан-тўғри амал қилиши ва уларнинг устунлигини таъминловчи ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш;

қонунчилик тизимининг маданий савияси, сифати ва маърифий мазмунини кучайтириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда шахс (фуқаро)нинг ҳуқуқий муҳофазаланганлик механизмларини, кафолатларини янада кучайтириш тенденцияси устуворлиги.

Мукамал ва барқарор қонунчилик тизимини шакллантириш, уни давр эҳтиёжларига мос равишда модернизациялаш учун қуйида келтирилган вазифаларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

замон руҳи билан ҳамнафас бўлиши учун

эскирган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мунтазам равишда янгилаб бориш;

бир тоифадаги ижтимоий муносабатлар турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинишининг олдини олиш, яъни ижтимоий муносабатларнинг такрорий равишда ҳуқуқий тартибга солинишига йўл қўймаслик;

ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бўшлиқ ва зиддиятларни бартараф этиш;

қонунчилик тизимини шакллантириш ва ривожлантиришда ҳуқуқий прогнозлаш ва ақлли мониторинг тизими яратилишига эришиш;

қонунчилик қоидалари ва ҳуқуқ нормаларини қўллаш натижасида қабул қилинган ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг юридик техника талабларига мос бўлишини таъминлаш.

Шу муносабат билан ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларини тайёрлаш, қабул қилиш, уларнинг мазмуни ва шаклига нисбатан энг муҳим умумий талабларни ўзида мужассамлаштирган “Услубий тавсиялар”ни ишлаб чиқиш⁹, уларни ҳуқуқни қўловчи субъектларга етказиш, шунингдек, бу соҳадаги мутасаддиларнинг малакасини оширишни мунтазам йўлга қўйиш фойдадан холи бўлмайди, деб ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб, Конституция асосида қонунчилик тизимини модернизация қилиш уни такомиллаштиришнинг янги истиқболларини очмоқда. Ушбу бўлажак қонунчилик янгиликлари юртимизда сиёсий баркамоллик ва тинчлик-осойишталикни бардавом мустаҳкамлашга, давлат ҳокимияти тузилмаларининг баҳамжихат ишлашига, фуқаролик жамияти асосларини изчил ривожлантиришга, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни кучайтиришга, жамият ривожини ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон халқига байрам табриги / Халқ сўзи, 2020 йил 8 декабрь
2. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузаси. - gazeta.uz/uz/2016/12/07/speech/
3. Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган маърузаси. – “Халқ сўзи”, 2019 йил 8 декабрь
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган маърузаси // Халқ сўзи, 2017 йил 8 декабрь
5. Қаранг: Марченко М.Н. Проблемы теории государства и права. - М., 2015, с567.
6. Қаранг: Конституционное законодательство России / Под ред.Ю.А.Тихомирова. – М., 1999, с. 22.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: 12.- Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти, 2006, 206-б.
8. Қаранг: Тультеев И. Модернизация конституционного законодательства Узбекистана: некоторые итоги и перспективы // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборотномаси. – 2013, №4, 16-бет.
9. Тўраев А.П. Қонунчилик тизими ва ҳуқуқни қўллаш жараёнининг долзарб масалалари // Давлат ҳокимиятини демократлаштириш ва ҳуқуқни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш. Илмий тўплам. - Т., “Адолат”, 2015, 97-98-б.

Даврон АХМЕДОВ,Тошкент давлат юридик университети
Конституциявий ҳуқуқ кафедраси профессори,
юридик фанлар доктори, профессор**Абдумумин ЮЛДАШОВ,**Тошкент давлат юридик университети
Интеллектуал мулк ҳуқуқи кафедраси доценти в.б.,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ – ИЛМИЙ ВА ТЕХНИКАВИЙ ИЖОД ЭРКИНЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси, АҚШ ва Россия Федерацияси конституцияларидаги илмий ва техникавий ижод эркинлигининг кафолатланиши, шунингдек интеллектуал мулк ҳимояси билан боғлиқ нормалар ҳақида сўз боради. Мамлакатимизда интеллектуал мулк муҳофазаси йўналишида амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг самараси, бу йўналишдаги таълимга доир ҳуқуқий меъёрлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: конституция, интеллектуал мулк, ижодий фаолият, инсон капитали, фан, таълим, ишлаб чиқариш.

Аннотация. В статье рассматриваются конституции Республики Узбекистан, США и Российской Федерации, гарантирующие свободу научного и технического творчества, а также нормы, касающиеся защиты интеллектуальной собственности. Проанализированы осуществляемые реформы в сфере защиты интеллектуальной собственности в нашей стране, их эффективность, правовые нормы по организации образовательного процесса в этой сфере.

Ключевые слова: конституция, интеллектуальная собственность, творческая деятельность, человеческий капитал, наука, образование, производство.

Annotation. The article deals with the constitutions of the Republic of Uzbekistan, the United States and the Russian Federation, which guarantee the freedom of scientific and technical creativity, as well as the norms relating to the protection of intellectual property. The ongoing reforms in the field of intellectual property protection in our country, their effectiveness, legal norms for the organization of the educational process in this area are analyzed.

Keywords: constitution, intellectual property, creative activity, human capital, science, education, production.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзига хос кадр-қимматга эга бўлиб, у тенгсиз ҳуқуқий-сиёсий ҳужжат ҳисобланади. Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги кафолатланади, шунингдек таълим олиш ҳуқуқи шахснинг энг муҳим ҳуқуқлари қаторида Конституция асосида мустаҳкамланган. Мазкур модда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 27-моддаси билан ўзаро ҳамоҳангдир. Унга кўра, ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этиш, санъатдан баҳраманд бўлиш, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самараларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга¹.

Илмий ижодий фаолият ўз-ўзидан “инсон капитали”ни ва унинг натижаси ҳисобланган интеллектуал мулкни юзага келтиради. Интеллектуал мулк сўзсиз бугунги кунда жаҳондаги иқтисодий қудратли давлатларнинг энг асосий кўрсаткичларидан бирига айланиб улгурди. Шу ўринда, биринчи навбатда, таълим ва у билан боғлиқ амалиётнинг ўзаро боғлиқлигини белгилаб олиш муҳим саналади. Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар таҳсинга сазовордир. Хусусан, жорий йилнинг

16 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳам ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимиз Президенти йиғилишда соҳадаги 4 та устувор вазифани санаб ўтди. Бунда учинчи йўналиш, яъни “олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини ошириш, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш масаласи” жуда муҳим саналади².

Шуни таъкидлаш керакки, интеллектуал мулкни рағбатлантиришга доир нормалар кўплаб ривожланган мамлакатларнинг асосий қонунларидан ўрин олган. Масалан, АҚШ Конституциясининг 1-моддаси 8-қисмига кўра, АҚШ Конгресси илм-фанни ривожлантириш ҳамда муаллифлар ва ихтирочиларга уларнинг ижодий маҳсулотларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни белгилаш билан боғлиқ ваколатга эга³. Россия Федерацияси Конституциясининг 44-моддасида ҳар бир шахсга адабий, бадиий, илмий, техник ва ижодийнинг бошқа турлари бўйича таълим бериш кафолатланиши ҳамда интеллектуал мулк қонун билан ҳимоя қилиниши белгиланган⁴.

Демак, мамлакат конституцияси нафақат ҳар бир йўналиш, балки интеллектуал мулк учун ҳам пойдевор вазифасини ўтайди.

Ўзбекистонда ҳар бир жабҳада бўлгани каби интеллектуал мулк йўналишида ҳам кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, 2016, 2019 ва 2021 йилларда ушбу соҳага доир Ўзбекистон Республикаси Президентининг муҳим қарорлари қабул қилинди. Айниқса, 2019 йил 8 февралдаги “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4168-сон қарори билан ушбу йўналишдаги давлат бошқарувида кескин ўзгаришлар амалга оширилди⁵. Эндиликда Ўзбекистонда интеллектуал мулк соҳасидаги ваколатли орган ҳуқуқий ҳимоя қилувчи орган сифатида ҳам фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 12 октябрда интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган йиғилишда ҳам патент эгаларини тадбиркорлар билан боғлаш, тадбиркорлар учун интеллектуал мулкни яратиш ва ҳимоя қилиш бўйича ўқув курсларини ташкиллаштириш, тадбиркорлар маҳсулотларини брендга айлантириш дастури ва электрон майдончасини ишлаб чиқиб, ҳудудларда брендлар ярмаркаси ўтказиш каби муҳим вазифалар амалга оширилиши лозимлиги айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан жорий йил 28 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4965-сон қарори қабул қилинди. Ушбу қарордан интеллектуал мулк объектлари экспертизасини ташкил этишнинг тезкор усулларини қўллаш, тадбиркорлик субъектлари ва ихтирочилар учун замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкилий ишларни амалга ошириш, шунингдек интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш, соҳада таълим билан боғлиқ ислохотларни амалга ошириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Шунингдек, ушбу қарор билан қуйидагилар:

интеллектуал мулк соҳасига оид фанларни кадрлар тайёрлаш тизимида, жумладан, республи-

лика таълим ташкилотлари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларида босқичма-босқич жорий этиш;

интеллектуал мулк соҳасига оид фанларни кадрлар тайёрлаш тизимида жорий этишнинг биринчи босқичида, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб олий таълим ташкилотларида, хусусан, ишлаб чиқариш ва техник, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларидаги таълим йўналишларида илғор хорижий тажриба асосида ҳамда ёш авлод орасида ижодкорларнинг меҳнатига бўлган ҳурмат ҳиссини шакллантиришга қаратилган интеллектуал мулк фанларини жорий этиш ва улар бўйича ўтказиладиган машғулотларда соҳада фаолият олиб боровчи амалиётчилар иштирок этишини таъминлаш;

олий таълим муассасалари, илмий ташкилотлар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш;

олий таълим тизимида “Патентшунослик” (бакалавр) йўналишини ташкил этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги, Фанлар академияси, олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари учун бугунги кунда ўта зарур бўлган интеллектуал мулк соҳасидаги кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш;

олий таълим муассасалари ва тармоқ тадқиқот институтларида яратиладиган илмий ишланмаларни патентлаш ва тижоратлаштириш ишларининг самарадорлигини ошириш;

ҳудудларда соҳавий “фан – таълим – ишлаб чиқариш” интеграциялашувини, ихтирочилар, инноваторлар, бизнес-жамоалар, таълим ва илм ёшларига махсус ахборотлар базаси, бошқа ахборот ресурсларидан фойдаланишни ўргатувчи конференциялар, таълим семинарлари, тренинг ва давра суҳбатларини ўтказиш хизматларини кўрсатувчи ахборот майдончалари яратилишида Технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказлари ролини ошириш каби масалалар аниқ белгилаб берилди⁶.

Мамлакатимизда сўнгги йиллардаги асосий масала бу яратилаётган ихтироларни тижоратлаштириш жараёнларига жадаллик билан жорий этиш ҳамда уларга нисбатан инновация мақомини бериш, ижодий фаолият бўлган муаллифлик асарларидан тижорат мақсадларида самарали фойдаланишдан иборатдир. Албатта, юқоридаги масалалар ҳамда интеллектуал мулк йўналишидаги бошқа муаммоларни ҳал этишда техник ҳимоя воситалари билан бирга юридик соҳа бўйича ҳам мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш долзарб аҳамиятга эгадир. Ушбу

масалаларни ҳал этишда интеллектуал мулкка оид ҳуқуқий саводхонликни ошириш ҳам муҳим ўринга эга.

Интеллектуал мулкка бўлган ҳурмат руҳини шакллантириш бу фақатгина ҳуқуқни таъсирчан восита сифатида қўллаш билан эмас, балки бу жараён ўқитиш, хабардор қилиш ва аҳоли ўртасида ҳурмат руҳини юксалтиришга бўлган қўллаб келинаётган механизмларни ўзгартиришни ҳам талаб этади. Интеллектуал мулк бўйича ҳуқуқий саводхонликни ошириш жараёнларида нафақат кенг жамоатчилик, балки тегишли давлат органлари ва муассасаларининг мутахассислари ҳам қамраб олиниши мақсадга мувофиқдир. Зеро, соҳага тааллуқли ходимларнинг бу борадаги ҳуқуқий билимларини оширмасдан туриб, ушбу масалани кенг жамоатчиликка татбиқ этиш кутилган ижобий натижани бермаслиги мумкин.

Хорижий мамлакатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, уларда интеллектуал мулк бўйича ҳуқуқий саводхонликни ошириш масаласи, хусусан, унинг тушунчаси ва унга бўлган ҳурматни шакллантириш мактабгача таълим муассасалари ёки умумтаълим мактабларидан бошланишини кўришимиз мумкин.

Шуниси аҳамиятлики, интеллектуал мулк жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олган бўлиб, уни қуйидагича таснифлаш мумкин:

аниқ, табиий ва техника фанлари, саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги йўналиши – интеллектуал мулкнинг ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси, селекция ютуқлари бўйича;

адабиёт, санъат, ижод, ахборот технологиялари (кино, мусиқа, театр ва бошқалар) йўналиши – интеллектуал мулкнинг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар, электрон дастурий таъминот воситалари бўйича;

тадбиркорлик ва бизнес йўналиши – интеллектуал мулкнинг товар белгилари, товар келиб чиққан жой номлари, фирма номлари, домен номлари бўйича.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) томонидан интеллектуал мулкка бўлган ҳурматни ошириш ва мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, БИМТга аъзо мамлакатлар интеллектуал мулк ривожланиши

бўйича қабул қилинадиган турли дастур ва стратегияларда асосан ёшлар ўртасида интеллектуал мулкка нисбатан ҳурмат руҳини кенг тарғиб этиш бўйича турли кампания ва тадбирларни ўтказишда доимо ўз фаоллигини кўрсатиб келмоқда. Масалан, БИМТ Корея Республикаси Маданият, туризм ва спорт вазирлиги билан ҳамкорликда “Respect for Copyright” (respectforcopyright.org), Япония патент идораси билан эса “Respect for Trademarks” (respectfortrademarks.org) дастурларини ишга туширган бўлиб, ушбу дастурлар ўзида таълим муассасаларининг барча бўғиндаги турли тоифадаги ўқитувчилари учун муҳим маълумотларни мужассамлаштирган⁷.

Мазкур платформалар, шунингдек ёшларнинг муаллифлик ҳуқуқи ва товар белгилари ҳақидаги дастлабки билимларини оширишга қаратилган таълим ресурслари билан бойитилган, уларнинг мазмун-моҳияти ёшларда интеллектуал мулкка ҳурмат руҳини шакллантиришга қаратилган.

БИМТ интеллектуал мулк бўйича миллий стратегияларни ишлаб чиқиш жараёнида интеллектуал мулкка ҳурмат бўйича қуйидаги мақсадли йўналишларни таклиф этиб келмоқда:

интеллектуал мулк бўйича ўқув дастурларини ўзгартириш;

контрафакт контентга киришни тақиқлашга қаратилган техник чораларни жорий этиш;

ҳуқуқий онгни оширишга қаратилган аниқ ва мақсадли йўналтирилган тадбирлар.

Келгусида Ўзбекистон олдида турган энг муҳим вазифалар қаторида интеллектуал мулк йўналишидаги халқаро рейтинглардан ўрин олиш муҳим саналади. Зотан, интеллектуал мулк муҳофазаси ва ҳимояси тизимининг тўғри йўлга қўйилиши инвестицияларнинг тўғридан-тўғри жалб этилишига, ихтирочилик қобилияти ва технологияларнинг кенг ёйилишига замин яратади. Бу эса, янги иш ўринларининг яратилиши, инсон капиталининг ривожланиши ва қўшимча моддий тушумларнинг ортишига олиб келади. Шунга урғу бериш керакки, интеллектуал мулк нафақат ўз ихтиросини бошқа “ҳалол” ва “ноҳалол” рақобатчилардан ҳимоялаш, балки уни тижоратлаштириш (сотиш, лицензия шартномаси асосида бериш) натижасида келиб тушадиган номоддий актив шаклидаги даромад манбаидир.

1. <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>

2. <https://president.uz/uz/lists/view/4424>

3. https://www.constitutionfacts.com/content/constitution/files/USConstitution_Russian.pdf

4. <http://www.constitution.ru/10003000/10003000-4.htm>

5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.05.2020 й., 06/20/5997/0634-сон

6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.01.2021 й., 07/21/4965/0074-сон

7. <https://www.wipo.int/enforcement/en/awareness-raising/>

Хушвақт ХАЙИТОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири,
юримдик фанлар доктори, доцент

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ – ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ ИШОНЧЛИ АСОСИ

Аннотация. Мақолада демократик ислохотларнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий асосларини мустаҳкамлашда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси норма ва принципларининг аҳамияти ҳақида сўз юритилган. Бундан ташқари, мамлакатимизда давлат ва жамият бошқаруви тизимида олиб борилётган ислохотлар таҳлил этилиб, маъмурий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Калит сўзлар: конституция, қонун, маъмурий ислохотлар, давлат бошқаруви, стратегия, электрон ҳукумат, давлат хизмати, давлат хизматчилари, фуқаролик жамияти, жамоатчилик назорати.

Аннотация. В статье рассматривается значение норм и принципов Конституции Республики Узбекистан в укреплении политических, правовых и социально-экономических основ демократических реформ. Кроме того, проанализированы проводимые реформы в системе государственного и общественного управления в стране, а также выдвинуты предложения и рекомендации по углублению административной реформы.

Ключевые слова: конституция, закон, административная реформа, государственное управление, стратегия, электронное правительство, государственная служба, государственные служащие, гражданское общество, общественный контроль.

Annotation. The article examines the meaning of the norms and principles of the Constitution of the Republic of Uzbekistan in strengthening the political, legal and socio-economic foundations of democratic reforms. In addition, the ongoing reforms in the public administration system in the country and made proposals and recommendations for deepening administrative reforms.

Keywords: constitution, law, administrative reform, public administration, strategy, e-government, civil servants, civil society, public control.

Тарихдан маълумки, ўзига тегишли бўлган халқпарвар давлатни шакллантириш ҳар бир халқнинг энг эзгу ва олийжаноб мақсади бўлиб келган. Бу мақсад халқни бирликка, озодликка, тинчликка, меҳнатсеварликка, ҳамкорликка, юксалишга чорлаган. Мамлакатимиз ҳам сиёсий мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг ўз олдида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни бош мақсад қилиб қўйди. Давлатнинг ички ва ташқи сиёсат юритишида халқпарварлик асосий мезон сифатида белгиланди.

Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ халқпарвар давлатнинг қонунчилик асослари шакллантирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасидаёқ инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлик, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш каби улғувор мақсадлар мустаҳкамлаб қўйилди.

Мустақиллигимизнинг залворли ўттиз йиллик тарихида миллий давлатчилигимиз асосини мустаҳкамлаш йўлида улкан ислохотлар амалга оширилди. Мамлакатимиз дунё саҳнасида тенглар ичра тенг бўлиб, ўзлигини намойиш этди.

Бинобарин, **“Мамлакатимизда халқ давлати барпо этилиши ўзбек халқининг уч минг йиллик орзуси бўлиб келган. Бугунги кунга келиб мамлакатимизда мазмунан янги давлат, янги жамият таркиб топмоқда. Янги жамиятга мос янги тартиботлар, янги кадриятлар, муносабатларнинг янги тизими шаклланди”¹.**

Мамлакатимиздаги юксалишларга давлат органлари ва ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўшаётганлиги шубҳасиз. Ўз ўрнида, ислохотларнинг мазмундорлиги ва натижадорлигини таъминлашда давлат бошлиғи муҳим ўрин тутди. Зотан, Конституциямизга қўра, Ўзбекистон Республикасининг Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафили ҳисобланади.

Қайд этиш жоизки, 2016 йил давлат бошлиғи сифатида Шавкат Мирзиёевнинг ҳокимиятга келиши ва мамлакатимизни ривожлантириш бўйича янги стратегиянинг тақдим қилиниши юртимиз ҳаётидаги улкан тарихий воқеа бўлди.

Жорий йилнинг 24 октябрида бўлиб ўтган сайловларда ишончли ғалаба қозонган Шавкат Мирзиёев 6 ноябрь куни Президент лавозимига киришишга бағишланган тантанали маросимда нутқ сўзлаб, келгусида мамлакатимизни ривожлантиришнинг муҳим етти йўналиши ҳақида ўз фикрларини илгарти сурди².

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг эълон қилиниши мамлакатимиздаги улкан ривожланишларга янги умидларни бахш этди. Унда белгиланганидек, миллати, тили, динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг, бутун халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган **“Янги Ўзбекистон – халқчил ва инсонпарвар давлат”** ғоясини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилиши халқимизнинг дилидаги интилишларини ўзида ифода этди.

Кейинги йилларда халқчил ва демократик тамойилларга асосланган янги Ўзбекистон давлатини, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида амалга оширилган ишлар миллий ва халқаро даражада эътирофларга сазовор бўлмоқда. Ўз навбатида, ҳаёт тўхтовсиз ҳаракат ва ўзгаришларни талаб этганидек, эришилган натижалар билан кифояланмасдан ислохотларнинг янги босқичда ривожлантирилиши муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, мамлакатимизда кенг қамровда олиб борилаётган ислохотлар ва юксалишларни янги босқичда давом эттириш мақсадида давлат ва жамият бошқарувини ривожлантириш йўлида қуйидаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Биринчидан, ислохотлар самараси фақат марказда эмас ҳар бир ҳудуд ва маҳаллада намоён бўлиши керак. Бунинг учун эса маҳаллий бошқарув органларининг ваколат ва масъулиятини ошириш зарур ҳисобланади. Шу сабабли, келгусида давлат функцияларининг катта қисмини марказдан ҳудудларга ўтказиш белгиланди.

Ушбу тажриба ривожланган давлатлар амалиётида ўзини оқлаган бўлиб, маҳаллий бошқарув органларига кенг ҳуқуқлар тақдим этилган. Бу, ўз навбатида, ортиқча бюрократия ва сансалорликларнинг олдини олибгина қолмай, ҳудудлардаги маҳаллий органларни “ўз араваси”ни ўзи тортишга, мустақиллик ва ташаббускорликка ҳам ундайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизи-

мида янги институтларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этиши инobatга олинган ҳолда ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилиши белгиланди. Бу эса мамлакатимизда фаол қўлла-ниб келинаётган “*маҳаллабай*” ишлаш тизимини қўллаб-қувватлаш воситаси ҳисобланиши билан бирга, маҳалла тизимини ҳокимликлар билан янада чамбарчас боғлаб, муаммоларни маҳалларнинг ўзида ҳал этишга имкон беради.

Ўз навбатида, ёшлар билан ишлаш самардорлигини ошириш ва уларнинг муаммоларини тизимли ҳал қилиш масалаларига қўмақлашадиган Ёшлар ишлари агентлигининг вакили ҳам маҳаллага бириктирилади.

Эътиборга молик ўзгаришлардан яна бири маҳаллий ҳокимият ва маҳалланинг молиявий асослари кучайтирилади. Шу мақсадда ҳокимликлар ва маҳаллалар учун қўшимча даромад манбалари яратилиб, маҳалланинг алоҳида жамғармаси шакллантирилади.

Иккинчидан, марказий давлат бошқаруви органлари фаолияти такомиллаштирилади. Бунинг учун марказий идораларни трансформация қилиш орқали фуқароларга хизмат қиладиган ихчам ва самарали бошқарув тизими яратилади.

Шунингдек, вазирлик ва идораларни ташкил этиш ва тугатишнинг тартиби, уларни бири-бирдан фарқлаб турадиган мезонлар, таркибий тузилма ва штатларни белгилашга оид аниқ талаблар ишлаб чиқилади. Шу асосда бир хил йўналишдаги вазифаларни амалга ошираётган идоралар оптималлаштирилади.

Шу вақтгача, асосан, субъектив ёндашувларга таянган айрим марказий органлар ва ҳудудлар ўртасидаги бюрократик бошқарув тизими ислоҳ этилиб, уларнинг ваколатлари аниқлаштирилади. Ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни тезкорлик билан мустақил ҳал этиш бўйича вазирлик ва идораларнинг ваколатлари янада кенгайтирилади. Бу эса вазирликларга ҳудудлардаги муаммоларни тезкор ҳал этиш имконини беради.

Учинчидан, ҳар бир тармоқ ва ҳудуд бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси юзасидан раҳбарларнинг ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилади. Бунинг учун маҳаллий Кенгашларнинг ваколатлари кенгайтирилиб, уларга зарур ташкилий ва техник шароитлар яратилади. Шу билан бирга, Халқ қабулхоналари том маънода халқ овозини, жамоатчилик фикрини ифода этадиган тузилмага айланиши учун қўшимча ҳуқуқий асослар яратилади.

Тўртинчидан, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, давлат кадр-

лар сиёсати механизмларини модернизация қилиш ишлари давом эттирилади. Шу мақсадда кадрлар давлат хизматига танлов асосида қабул қилинади, улар учун узлуксиз малака ошириш, натижадорликни баҳолаш ва лавозим бўйича кўтарилиш мезонлари белгиланади.

Яна бир эътиборли жиҳати давлат органлари ва давлат хизматчилари фаолиятини баҳолашга қаратилган замонавий механизмлар ҳаётимизга кириб келмоқда. Бу эса давлат хизматига нисбатан фуқароларнинг ишончи шаклланишига, уларнинг фаолиятига ҳаққоний баҳо беришга шароит яратади.

Шу ўринда буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг қонун устунлиги, инсонпарварликни улуғлаш бўйича билдирган фикрларини эсга олиш жоиз. Мутафаккир ўзининг “Хамса”сида давлатчилик асослари, тараққиётга юз тутган жамият муаммолари, инсон ҳуқуқи масалаларига ҳам чуқур муносабат билдирган. “Хамса”нинг биринчи достони – “Ҳайрат ул-аброр”да жамият фаровон, ҳукумат адолатли, инсон бахтли бўлмоғи учун нималар лозим экани хусусида фикр юритиб, бахтли яшашни истаган инсон учун зарур бўлган фазилатлар баён қилинган.

Навоий бобомиз таъкидлаганларидек, адолат нафақат шоҳлар, балки оддий кишиларнинг ҳам зийнатидир. Адолатни шиор қилган шоҳга бошқа бирон-бир шоҳ тенглаша олмайди. Демак, ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси – унда барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилганидир.

Давлатимиз раҳбари томонидан **“Раҳбарлар фақат давлатга эмас, аввало, инсон ва оилага, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши керак”** деган ғоянинг илгари сурилиши давлат хизматчиларининг масъулиятини янада оширади.

Бешинчидан, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида халқ вакиллари бўлмиш сенатор ва депутатлар нуфузини ва масъулиятини ошириш ҳақида фикрлар акс этган. Бинобарин, демократик жамият ва давлатда энг таъсирчан куч вакиллик органларига тегишли бўлмоғи лозим. Шу боис ҳам Президент “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида **“Кучли парламент ва халқ вакиллик органлари – Янги Ўзбекистоннинг таянчидир”**³, - деб ҳақли равишда таъкидлайди.

Парламентнинг кучли эканлиги нимада намоеън бўлади? Қайд этиш лозимки, ҳокимиятлар бўлиниши принципига мувофиқ, парламент Конституция ва қонунларга кўра олий вакиллик-

ни ва қонун ижодкорлигини амалга оширади. Унинг ваколатларини таъминлашга нисбатан бирор-бир тўсиқ бўлиши мумкин эмас.

Шу билан бирга, парламент қонунлар ижроси устидан ҳам фаол назорат фаолиятини амалга оширади. Шу сабабли, парламент қонунларни қабул қилиш билан чекланмасдан мамлакат ҳаётининг барқарор ривожланишига ҳам масъул ҳисобланади.

Олтинчидан, фуқаролик жамияти институтларининг эркин фаолият юритиши ҳамда давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши учун зарур шароитлар яратилади, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари янада такомиллаштирилади.

Аслида, фуқаролик жамияти институтлари ўз ташаббуслари билан шаклланидиган ва ўзини ўзи бошқарадиган институтлар ҳисобланади. Аммо, демократик жамиятга ўтиш шароитида фуқаролик жамияти институтларининг шаклланишида давлатнинг мадади зарур ҳисобланади. Шу сабабли, давлат фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи, фуқаролик институтларининг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш кафолатлари, уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беришга оид тамойиллар мустаҳкамлаб қўйилган. Бу борада қабул қилинган жами икки юздан ортиқ қонун ҳужжатлари мамлакатимизда фуқаролик жамиятини изчил ривожлантиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ўринда “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги (1991 й.), “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги (1999 й.), “Жамоат фондлари тўғрисида”ги (2003 й.), “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги (2014 й.), “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги (2018 й.) қонунларни алоҳида қайд этиш жоиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари сон жиҳатдан ҳам ўсиб бормоқда. Ҳозирда Ўзбекистонда 9 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлар мавжуд ҳамда 30 та халқаро ва хорижий ноҳукумат ташкилотлар филиали ва ваколатхоналари фаолият юритмоқда⁴.

Айниқса, “Жамоатчилик назорати тўғрисида” Қонун қабул қилиниши жамоатчилик назоратининг кўлами ва изчиллигини тубдан оширди. Зотан, жамиятда фуқаролик жамияти тамойиллари ривожлангани сари жамоатчилик назорати учун

ҳам кенг имкониятлар ва истиқболлар пайдо бўлади.

Жамоатчилик назоратини кучайтириш билан боғлиқ вазиятнинг мураккаблиги шундаки, фуқаролик жамияти институтлари *бир томондан* давлатнинг мададига эҳтиёж сезса, *иккинчи томондан*, улар ўзларига мадад бераётган ҳокимият органларининг фаолиятини назорат қилишига тўғри келади. Шу боис, жамоатчилик назорати натижадорлигини ошириш учун давлат томонидан зарур шароитлар яратилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш, улар фаолиятидаги очиқликни таъминлаган ҳолда ўз ўрнини мустаҳкамлаш йўлида яна бир залворли қадам бўлди⁵.

Фуқаролик жамияти институтлари Ўзбекистонда аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, шахс ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда. Шу сабабли, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш ишлари келгусида ҳам давом эттирилади.

Фуқаролик жамиятининг ривожланиши учун жамиятда очиқлик ва ошкоралик, фуқаролик жамияти институтларининг ахборот олиш кафолатлари таъминланган бўлиши даркор. Шу боисдан, мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини, фуқароларнинг ахборот олиш ва уни тарқатиш, ўз фикр ва қарашларини эркин билдириш ҳуқуқини таъминлаш борасидаги механизмлар янада кучайтирилади.

Юқорида қайд этилган вазифалар ижроси доирасида маъмурий ислохотларни янада фаоллаштириш лозим бўлади. Шу мақсадда, *қуйидаги*

таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, давлат хизматини тартибга солишга қаратилган ягона қонун қабул қилиш зарур. Мазкур қонун барча турдаги (фуқаролик, ҳарбий, махсус) давлат хизматчилари фаолиятининг умумий асосларини қамраб олиши керак. Шунингдек, алоҳида “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонунни қабул қилишни тезлаштириш;

иккинчидан, давлат фуқаролик хизматчиларининг профессионал корпусини тайёрлашнинг муҳим жиҳатлари сифатида касбий фаолиятнинг ахлоқий меъёрларига риоя қилишни рағбатлантириш, шунингдек, касбий фаолиятда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш механизмларини кучайтириш;

учинчидан, давлат идоралари ва ташкилотларида коррупцияга қарши “комплекс назорат” хизмати фаолиятини такомиллаштириш ва тизимда фаолият юритувчи ходимлар малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини жорий этиш;

тўртинчидан, ижро этувчи ҳокимият органларини ташкил этиш ва тугатишнинг аниқ мезонлари ҳамда тартиб-таомилларини жорий этиш;

бешинчидан, давлат бошқарувида “Электрон ҳукумат” тизимини янада кенг жорий этиш. Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш.

Мухтасар айтганда, эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, инсон қадр-қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадига эришиш давлат ва жамият бошқарувини изчил ислоҳ этиш ва бошқарувни янада демократлаштиришни талаб этади. Мазкур конституциявий ислохотлар пировардида эса давлат бошқарувининг самарадорлигига ҳамда жамият ҳаёти янада фаровон бўлишига, барча соҳаларда инсон манфаатларининг тўлиқ таъминланишига эришилади.

1. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезони. Ўқув-услубий мажмуа / Муаллифлар жамоаси: Қ.Қ.Қуронбоев, Х.Т.Азизов, М.Б.Бекмуродов ва бошқ. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, 2020 й. – Б. 22.

2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз. Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи // president.uz/uz/lists/view/4743.

3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 88.

4. minjust.uz/uz/activity/nnosphere/89267/?print=Y.

5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.03.2021 й., 06/21/6181/0182-сон.

Шаҳзод САЙДУЛЛАЕВ,

Тошкент давлат юридик университети

Оммавий ҳуқуқ факультети декани,

юридик фанлар номзоди, профессор

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ – МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШЛАРНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШНИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда демократик янгиланишларни изчил давом эттиришнинг конституциявий-ҳуқуқий қоғалатлари билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий негизи сифатидаги жиҳатлари кўрсатилган. Конституция ва қонуннинг устунлиги ҳуқуқий давлатнинг асосий принципи сифатида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: конституция, демократия, инсон ҳуқуқлари, давлат суверенитети, ҳуқуқ устунлиги, фуқаролик жамияти институтлари, ҳуқуқий давлат.

Аннотация. В статье анализируются вопросы, связанные с конституционно-правовыми гарантиями последовательного продолжения демократических реформ в стране. Обозначена роль Конституции Республики Узбекистан в жизни общества и её особенности как правовой основы проводимых реформ. Раскрывается роль верховенства Конституции и закона как основного принципа правового государства.

Ключевые слова: конституция, демократия, права человека, государственный суверенитет, верховенство права, институты гражданского общества, правовое государство.

Annotation. The article analyzes the issues related to the constitutional and legal guarantees of consistent continuation of democratic reforms in the country. The role of the Constitution of the Republic of Uzbekistan in the life of society and its features as a legal basis for the ongoing reforms are outlined. The supremacy of the Constitution and the law are highlighted as the basic principles of the rule of law.

Keywords: constitution, democracy, human rights, state sovereignty, law supremacy, civil society institutions, state of law.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида кенг қамровли ва халқчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Уларнинг мазмун-моҳиятини белгилашда эса Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда **“Ҳар бир давлат ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлар экан, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган энг муҳим мақсад ва вазифаларини ўзининг Конституцияси – Асосий қонунида мустаҳкамлаб олади. Бинобарин, ўз халқининг хоҳиш-иродаси, дили ва тилидаги эзгу ниятларига ҳамоҳанг Конституцияга эга бўлган мамлакат ўзи белгилаган юксак марралардан ҳеч қачон оғишмасдан, доимо олдинга қараб боради”**¹. Зеро, Асосий қонунимиз суверенитет, демократия, шахс ҳамда жамият ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоячисидир.

Буюк немис ҳуқуқшунос олими конституциявий ҳокимиятга **“...бу сиёсий ирода, унинг кучи ёки ваколатлари ўз сиёсий мавжудлигининг тури ва шакли ҳақида аниқ, кенг қамровли қарорлар қабул қилишга қодир куч”**², деб таъриф беради.

Конституционализмни демократик янгилаш ва модернизациялаш жараёнининг янги тенденциялари М.Адагбабири³, Х.Юрген⁴, К.Туори⁵, Д.Гримм⁶, И.Кравец⁷, В.Израелян⁸ ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий негизи сифатидаги жиҳатлари, асосан, қуйидагиларда акс этади.

Биринчидан, Конституциянинг муқаддимасида инсон ҳуқуқларига, давлат суверенитети принципларига содиқлик, давлатнинг халқ олдидаги юксак масъулияти, Ўзбекистоннинг демократия ва ижтимоий адолат тамойилларига садоқати, халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлиги, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга интилиш тўғрисидаги қоидалар мавжуд. Умуман олганда,

демократия Конституциямизнинг асосий тамойили ҳисобланади. Унда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш назарда тутилган. Чунки халқнинг турмуш тажрибасига, юртимиз аҳолисининг миллий ва маданий анъаналарига, барча ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг манфаатларига мос ҳақиқий демократия принципларини қарор топтириш янги демократик адолатли жамият қуришда ўта муҳим сиёсий аҳамиятга моликдир. Зотан, демократия халқ ҳокимиятчилиги бўлиб, унинг тамойиллари барчага тегишли, яъни бу демократиянинг ажралмас қисми бўлган халқ ҳокимияти, халқнинг хоҳиш-иродаси ва очиқ, эркин сайловлар ҳисобланади. Бу эса демократиянинг юқори поғонаси бўлган фуқаролик жамиятидир.

Иккинчидан, Асосий қонунимизда, биринчи галда давлат, унинг барча органлари ва мансабдор шахслари қонунга итоат этиши мажбурийлиги белгиланган. Ҳолбуки, Конституция ва қонуннинг устунлиги ҳуқуқий давлатнинг асосий принциплари жумласига киради. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, **“Қонун устуворлиги – бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт, деганидир”⁹**.

Бош қомусимизнинг 15-моддасида олий мақсад ва манфаатлардан келиб чиқувчи қуйидаги: “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар”¹⁰ деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган.

Бинобарин, устун, ҳукмрон ва олий мақомга эга бўлган Конституция ва қонунлар давлатчиликнинг энг муҳим белгилари сирасига киради. Шу боис, Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуриш жараёни, авваломбор, давлатнинг халқ олдидаги жавобгарлигини белгиловчи қонунийликнинг юридик асосларини, инсон ва фуқаролар ҳуқуқларининг устунлигига риоя қилиш механизмларини яратишга қаратилди. Шунини унутмаслик керакки, қонунийликнинг энг муҳим жиҳати, аввало, қонунлар, фармонлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигидир. Зотан, қонунийлик фуқаролар, жамият ва давлатнинг реал ҳаётида рўёбга чиқиши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Конституция ва қонун устунлиги ғояси тобора ижтимоий онгимизнинг таркибий қисмига айланмоқда, қонун талаблари асосида,

унга мос ва мувофиқ равишда яшаш лозимлиги шууримизга сингиб бормоқда. Бинобарин, давлат қонунлар билан боғлиқ бўлиб, ўз навбатида, бу – инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш кафолатидир.

Учинчидан, Асосий қонунимизда белгилаб қўйилганидек, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин (53-модда). Ушбу норма муҳим аҳамиятга эга бўлиб, *биринчидан*, давлат иқтисодий сиёсатининг асосий тамойилларини белгилайди, *иккинчидан*, иқтисодий сиёсатимизнинг мазмун-моҳияти, асосий йўналишларини Конституция даражасида эътироф этади, *учинчидан*, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёти бозор муносабатларига асосланганлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Тўртинчидан, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари эндиликда фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида жамият сиёсий ҳаётида фикрлар хилма-хиллигининг ифодачиси ҳамда давлат ҳокимияти устидан самарали жамоат назоратини ўрнатувчи восита мақомида фаолият юритиб, бу жараёнда муҳим аҳамият касб этмоқда. Очиқ ва кучли фуқаролик жамиятини бугунги кунда аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ва кенг қатламлари манфаатларини ифода этадиган мустақил ва барқарор нодавлат нотижорат ташкилотлари, эркин оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг ривожланган тизимсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Конституциямизда жамоат бирлашмалари ҳуқуқий мақоми белгиланиши мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни эътироф этишдан келиб чиққанини кўриш мумкин. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 20-моддасида *“Ҳар бир инсон тинч йиллар ўтказиш ва уюшмалар тузиш ҳуқуқига эга”*, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 22-моддасида *“Ҳар бир инсон бошқалар билан уюшиш эркинлиги ҳуқуқига, шу жумладан касба уюшмалар ташкил этиш эркинлиги ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун шундай уюшмаларга кириш ҳуқуқига эга”* эканлиги каби қоидалар шулар жумласидандир. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10, 12, 15, 30, 34, 44-моддалари билан ҳамоҳанг эканлигини, шунингдек ушбу нормалар мазмунига

халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларининг тўла сингдирилганлигини эътироф этиш лозим.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли субъект сифатидаги қонуний ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўйди.

Ҳозирда Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг оддий иштирокчиси эмас, балки бугунги таҳликали ва мураккаб вазиятдан чиқиш бўйича фаол ташаббускор давлат сифатида халқаро ҳуқуқ ижодкори тимсолида намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси пухта ўйланган ва стратегик аҳамиятга эга бўлган глобал ва минтақавий миқёсдаги 11 та конвенционал ва институционал халқаро ташаббусларни илгари сурди.

Жумладан, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ва Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни қабул қилиш ташаббуси ҳар бир давлатнинг ўз фуқаролари ва халқаро ҳамкорлари олдидagi мажбуриятлари бўйича минимал стандартларнинг ўрнатилиши ҳамда барча аъзо давлатлар ва тузилмалар ҳамда дунё халқлари манфаатларини акс этириши билан аҳамиятлидир.

Олтинчидан, конституциявий нормалар асосида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тизими ҳисобланган маҳалла институтини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 18 февралда қабул қилинган “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига¹¹ кўра, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) бўлин-

малари ташкил этилди. Натижада юртимизнинг ҳар бир маҳалласида “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган янги тизим жорий қилинди.

Еттинчидан, Бош қомусимизнинг алоҳида боби сайловга бағишланган. Конституция асосида мамлакатимиз сайлов тизими жаҳон андозалари ва демократик талаблар асосида тамомила янги-ча тус олди. Шу билан бирга, сайловга оид масалаларни тизимли тартибга солишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси қабул қилинди.

Саккизинчидан, давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи халқ эканлиги тўғрисидаги ғоя Конституциянинг ҳар бир банди мазмунига сингиб кетган. Бинобарин, Конституциянинг: “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади” (2-модда); “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади” (7-модда); “Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади” (8-модда); “Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади...” (9-модда); Президент лавозимига киришаётиб “Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга...” қасамёд қилиши (92-модда) ва бошқа қоидалари фикримизни тасдиқлайди.

Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз юртимизда олиб борилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларнинг, умуман жамият ҳаётининг ҳуқуқий негизи сифатида ўзининг барқарорлиги ва ҳаётлигини намоён этиб келмоқда.

1. Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // president.uz/uz/3119

2. Schmitt C. Constitutional theory. – Duke University Press, 2008.

3. Adagbabiri M. Constitutionalism and Democracy: A Critical Perspective //International Journal of Humanities and Social Science. – 2015. – Т. 5. – №. 12. – С. 108-114.

4. Jürgen H. Three normative models of democracy //Constitutionalism and Democracy. – Routledge, 2017. – С. 277-286.

5. Tuori K. et al. European constitutionalism. – Cambridge: Cambridge University Press, 2015. – С. 96-7.

6. Grimm D. Constitutionalism: past, present, and future. – oxford university press, 2016.

7. Кравец И.А. Конституционный символизм, модернизация конституции и информационное общество (между учредительным и информационным конституционализмом для России) // Lex russica. - 2020. - №.1 (158).

8. Исраелян В.Б. Конституционная модернизация в контексте отечественных традиций и новых вызовов // Образование и право. – 2020. – №. 7. – С. 86-89.

9. Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // president.uz/uz/3119

10. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Адолат, 2021. –86 б.

11. lex.uz/docs/4740345

Муқаддасхон АХМЕДОВА,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети
Жиноий ҳуқуқий фанлар кафедраси профессори,
юримдик фанлар доктори, доцент

КОНСТИТУЦИЯДА БЕЛГИЛАНГАН ҚОНУН ОЛДИДА ТЕНГЛИК ПРИНЦИПНИ ХУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган фуқароларнинг қонун олдида тенглик принципини таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда ушбу норма бузилган тақдирда қонун ҳужжатларига биноан қўлланиладиган жавобгарлик масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: конституция, инсон ҳуқуқлари, тенглик принципи, қонун билан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқи, тенглик принципини бузганлик учун жавобгарлик.

Аннотация. В статье анализируются особенности обеспечения принципа равенства граждан перед законом, установленного Конституцией Республики Узбекистан, а также вопросы ответственности в соответствии с законом в случае нарушения данной нормы.

Ключевые слова: конституция, права человека, принцип равенства, право на равную защиту со стороны закона, ответственность за нарушение принципа равенства.

Annotation. The article analyzes the features of ensuring the principle of equality of citizens before the law, established by the Constitution of the Republic of Uzbekistan, as well as issues of responsibility in accordance with the law in case of violation of this provision.

Keywords: constitution, human rights, the principle of equality, the right to equal protection by the law, responsibility for violation of the principle of equality.

Асосий қонунимиз ҳақида сўз юритганда беихтиёр “Авесто” китоби, буюк Амир Темур бобомизнинг “Тузуқлари”, Шарқда “Муаллими Соний” номи билан машҳур бўлган улуғ қомусий олим Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” ва бошқа алломаларимизнинг бебаҳо асарлари ёдга тушади.

Конституциямизда инсон ҳуқуқларига содиқлик, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечириши, фуқаролар тинчлигини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланиб, 13-моддада инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши назарда тутилган. Бош қомусимизнинг иккинчи бўлими тўлиқ инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев лавозимга киришиш тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида айтганидек, “...**Айни пайтда биз инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъминлашда амалга оширган ишларимиздан кўра, олдимизда турган вазифалар кўп эканини ҳам яхши тушунамиз.**

Маълумки, бу олий қадриятни том маънода қарор топтириш – бирон-бир манзилга етиб бориб тўхташ, дегани эмас. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш узлуксиз давом этадиган жараён эканини барчамиз чуқур англаймиз. Жаҳон тарихи ва демократик давлатлар таърибаси ҳам шундан далолат беради¹.

Ўз навбатида, ислохотларимизнинг узвий ва давомийлигини таъминлаш учун тақдим этилган **Тараққиёт стратегияси** доирасида амалга ошириладиган энг устувор вазифаларнинг биринчи ва иккинчи йўналишлари ҳам айнан инсон ва фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги ишларимизни фаол давом эттириш, адолат ва қонун устун бўлган халқчил давлат қуриш, инсон қадр-қимматини таъминлашнинг энг асосий ва зарур шарт эканини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Дарҳақиқат, жамият ва давлатнинг бугунги кунда эришадиган ютуқларида, хусусан, инсон ҳуқуқларига доир қонунчилик тизимини такомиллаштиришда ҳамда келажак учун ишлаб чиқилган режа ва дастурларнинг ҳаётийлигини таъминлашда Конституциямизнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Айниқса, кишилик жамияти вужудга кел-

ган пайдан инсонлар тенглик, давлатчилик муносабатлари келиб чиққан вақтдан бошлаб эса ҳурлик ва озодлик ҳақида фикрлай бошлаган.

Тарихий манбалар маълумот беришича, ўтмишда инсонлар ўртасида лозим бўлган тенглик гоҳида тўлиқ ёки фақат расман, гоҳида айрим табақа вакиллари ўртасида ёхуд барча инсонларга тегишли бўлиши ҳақида ғоялар илгари сурилган. Ўрта Осиёга ислом дини кириб келгунга қадар асосий кўпчилик инсонлар эътиқодига айланган зардуштийлик, манихейлик ва маздакийлик каби дин ва ғоявий оқимлар бунга яққол мисол бўла олади².

Қадимги мутафаккирлардан юнон файласуфлари Протогор ва Алкидамант барча инсонлар тенг бўлиб туғилиши ҳақида фикр билдирган³. Улардан фарқли равишда маълум бир аҳоли қатламининг бошқалардан устун бўлиши лозимлиги ва бошқаларнинг уларга хизмат қилиши кераклиги тўғрисидаги турли қоидаларни асослашга уринишлар ҳам бўлган. Ҳаттоки, диний ғоялар ва қарашларда ҳам буни асослашга ҳаракатлар қилинган.

Жумладан, Черков инквизицияси ғояларида, Аврелий Августин таълимотида, немис ҳуқуқшуноси Эйке фон Репков қарашларида ҳам одамларни ижтимоий жиҳатдан кескин фарқланган табақаланишининг қонунийлигини исботлаб беришга ҳаракат қилинган. Фалсафа отаси деб эътироф этилган Афлотун ҳам инсонлар ўртасида нотенглик уларнинг табиати билан боғлиқлигини, яъни қул ва варварларнинг кучли жисмоний ҳолати ва кучсиз ақли уларнинг бошқалар билан тенг эмаслигини таъкидлаган.

Ижтимоий тенглик, жамиятда инсонлар имкониятларининг тенглигини таъминлаш мақсадида кўзғолонлар ва бошқа фаол ҳаракатлар амалга оширилган. Бунга Қадимги Римдаги Спартак кўзғолони, Муқанна кўзғолони, Англиядаги 1381 йилги Уот Тайлер кўзғолони, Чехиядаги Ян Гус ҳаракати ва бошқаларни мисол қилиш мумкин⁴.

XVII асрда Фарбий Европадаги инқилобий ҳаракатлар тенглик ғоясини ёқловчиларнинг чинакам ғалабаси бўлганлигини бемалол айтиш мумкин. Шу пайдан бошлаб, сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар соҳасидаги ғоялар дастлабки демократия қонунчилигини шакллантиришга асос бўладиган индивидуализм ва тенгликнинг аниқ идеологияси вужудга келишига олиб келган. Бу жараёнларда ҳуқуқ асосий роль ўйнаганини таъкидлаш лозим.

Шундан кейинги йирик назариячилар Гуго Гроций табиий ҳуқуқ тушунчаси орқали тенгликни таъминлаш ҳақида фикрлар билдирган бўлса, Томас Гоббс ҳуқуқий тенглик атамасини кенг қўллаганлиги билан ажралиб туради. Француз

мутафаккири Монтескье эса эркинлик барчага бериладиган ҳуқуқ деган ғояни илгари сурган ва ўша замоннинг бошқа кўплаб олимлари томонидан ҳам инсонлар ўртасида тенглик, биродарлик ва эркинлик ғояларининг назарий асослари кўрсатиб берилган.

Ниҳоят, французларнинг 1789 йил 26 августдаги “Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари декларацияси”да “Инсонлар ҳуқуқда тенг ва эркин бўлиб туғилдилар ва шундай бўлиб қоладилар” деган қоида ўз ифодасини топиши билан тенглик ғояси ёзма қонунчилик шаклига кўчган⁵.

Ҳуқуқ манбалари тарихидаги кейинги ҳужжатларда ҳам тенглик қоидалари баён қилина бошланган. Бироқ инсоният тенгликни таъминлаш асосида кўплаб инқирозларни ҳам бошидан кечирган. Бунда барча одамларнинг бир-биридан фарқли равишда дунёга келиши ва ривожланиши, ақл ва тафаккурда, истеъдодда ҳам тенг эмаслигини инобатга олиш тақозо этилган.

Тенглик инсоният тараққиётида бир неча аср давомида шаклланган қадрият, демократиянинг тамал тоши, башарият тамаддунининг ютуғи, барча халқлар учун муҳим ва қадрли бўлган эзгу ғоя ҳисобланади. Тенглик ҳар бир фан тармоғи учун энг асосий тамойиллардан биридир, бунинг энг ёрқин намунаси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси саналади ҳамда ундаги қоидалар Конституциямизда ҳам ифодаланган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 7-моддасида “Барча одамлар қонун олдида тенгдир ва ҳеч бир тафовутсиз қонун билан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир. Барча одамлар ушбу Декларацияга зид бўлган ҳар қандай камситишдан ва шундай камситишга ундайдиган ҳар қандай гиж-гижлашдан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир” дейилган.

Бош қомусимизнинг 18-моддасида ҳам “...қонун олдида тенгдирлар” деган мантиқан тўғри қоида мустаҳкамланган. Ушбу ҳужжатлардаги умумий маънода қўлланилган “қонун” сўзи билан қамраб олинган ҳуқуқ олдидаги тенгликни таъминлаш қонунчилиқда мустаҳкамлаб қўйилган қоидаларни барча шахсларга бирдек қўллашни талаб этади.

Мазкур моддада “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар” деб белгилангани, юртимизда истиқомат қилаётган бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллариининг худди бир онанинг фарзандларидек аҳил-иноқ бўлиб яшашлари қонун билан мустаҳкамлаб қўйилганлигининг ўзи ҳам бу

юртда ҳар бир инсоннинг бахту саодати учун очиб берилган кенг ва тенг имкониятлар эшигидир.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қонун олдида тенглиги қоидаси қуйидагиларни:

биринчидан, у нафақат фуқаролар, балки улар фаолияти натижаси бўлган ҳуқуқ субъектлари – юридик шахсларнинг ҳуқуқ олдида тенглигини;

иккинчидан, у конституциявий ғоя бўлсада, фуқароларнинг нафақат конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятда, балки бошқа субъектив ҳуқуқларда ҳам тенглигини;

учинчидан, қонун олдидаги тенглик масъулият ва ҳуқуқ бузилганда бир хил жавобгарликни назарда тутишини аниқлашини айтиб ўтиш жоиз.

Умуман олганда, *тенглик* – аҳамияти, тутган ўрни, мавқеи, нуфузи, ҳақ-ҳуқуқлари жиҳатидан ўхшаш, бир хил, баравар, бир-биридан қолишмайдиган бўлишдир⁶. Тенглик нафақат маълум бир ҳаёт соҳасини, балки ижтимоий муносабатларнинг ҳамма босқичларини қамраб олган бўлиши керак. Ушбу тенгликнинг бузилиши эса дискриминацияга олиб келиши ва мазкур ҳолатдан маълум бир инсонлар тоифаси жабрланиши мумкин.

Қонун олдида тенглик принципи Асосий қонунимиздан ташқари, масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 5-моддасида ҳам белгиланиб, унга кўра, жиноят содир этган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга ҳамда қонун олдида тенгдирлар.

Конституциямизда ва халқаро ҳужжатларда белгиланган фуқароларнинг қонун олдида тенглиги қоидасини бузиш ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқаради. Ҳаттоки, фуқароларнинг қонун олдида тенглигига даҳл қилиш жиноят сифатида таъқиб қилинади. Мисол учун, Жиноят кодексининг “Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш” деб номланган 141-моддасига кўра, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита бузиш ёки чеклаш ёхуд фуқароларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш жи-

ной жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Бир сўз билан айтганда, республикамизнинг амалдаги барча қонун ҳужжатларида қонун олдида тенглик принципининг қуйидаги муҳим элементларини кўришимиз мумкин:

биринчидан, шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканлиги;

иккинчидан, одил судлов фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, барча учун бир хилда амалга оширилиши;

учинчидан, суд ва давлат органлари иш юритувида барча фуқаролар тенг нуқтаи назардан кўрилиши;

тўртинчидан, барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгалиги;

бешинчидан, жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмаслиги;

олтинчидан, аёл ва эркакнинг, шу жумладан, оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқлилиги, ички оилавий масалаларни биргаликда ҳал этиши кабилар.

Хулоса қилиб айтганда, тенглик – демократиянинг энг устувор талаби, адолатнинг муҳим мезони бўлиб, демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас шартидир. Бу орқали фуқароларга ижтимоий, иқтисодий, меҳнат, оилавий, суд соҳасидаги ва бошқа муносабатларда тенг ҳуқуқларга, имкониятларга эга бўлишни, шунингдек уларга жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳуқуқларни муайян тарзда чеклашга ва (ёки) афзалликлар белгилашга йўл қўймасликни назарда тутати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 6 ноябрдаги “Янги Ўзбекистон тарақиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз” номли маърузаси. “Халқ сўзи”, 07.11.2021 й.

2. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик, Тошкент – 2002, 141-146.

3. Бергер А.К. Политическая модель древнегреческой демократии. - М., 1966. – с.83-86.

4. Христианские секты и ереси. - М., 2002. – с.47.

5. Чернов К.А. Принцип равенства как общеправовой принцип российского права. Дисс. ...канд наук: -М., 2003. – с.59.

6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати (4 жилд). Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2008. 63 -б

Акбаршоҳ ТЕШАБОЕВ,

Қонунчилик муаммолари ва парламент
тадқиқотлари институти бўлим бошлиғи

ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация. Мақолада энергия ресурсларидан фойдаланишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган, энергия ресурсларидан, хусусан, табиий газдан оқилона фойдаланишга доир фуқаролик-ҳуқуқий шартномалардаги нормаларни ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириши бўйича асослантилган таклифлар ишлаб чиқилган, шунингдек, хорижий давлатлар тажрибаси асосида соҳани ҳуқуқий жиҳатдан янада самарали тартибга солишга қаратилган илмий мушоҳадалар илгари сурилган.

Калит сўзлар: конституциявий-ҳуқуқий нормалар, энергия ресурслари, табиий газдан оқилона фойдаланиш, шартномавий мажбуриятлар, ҳуқуқий жавобгарлик.

Аннотация. В статье проанализированы конституционно-правовые основы использования энергетических ресурсов, выдвигаются предложения по совершенствованию норм гражданско-правовых договоров о рациональном использовании энергетических ресурсов, в частности природного газа, вытекающие из правоприменительной практики. На основе опыта зарубежных стран выдвигаются научные предложения, направленные на повышение эффективности правового регулирования данной сферы.

Ключевые слова: конституционно-правовые нормы, энергоресурсы, рациональное использование природного газа, договорные обязательства, юридическая ответственность.

Annotation. The article analyzes the constitutional-legal norms for the use of energy resources, makes proposals for improving the norms of civil agreements on the rational use of energy resources, in particular natural gas, arising from law enforcement practice, as well as scientific proposals based on the experience of foreign countries aimed at improving legal regulation of the sphere.

Keywords: constitutional-legal norms, energy resources, rational use of natural gas, contractual obligations, legal responsibility.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат сифатида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳа ва тармоқларини ҳуқуқий тартибга солишда бош манба ҳисобланади. Бош қомусимизда жамиятнинг иқтисодий негизлари ҳам алоҳида назарда тутилган. Хусусан, унинг 55-моддасида “*Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир*”¹, деган норма белгиланган.

Илмий адабиётлардан маълумки, конституциявий-ҳуқуқий норма – бу давлатнинг конституциявий тузуми, жамият ва шахс муносабатлари (жамиятнинг иқтисодий негизи, жамоат бирлашмалари, оила, оммавий ахборот воситалари, энергетика), шунингдек мамлакатнинг давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилиши ҳамда давлат ҳокимиятини ташкил этиш асосларини белгиловчи, ўрнатувчи ҳуқуқий нормадир.

Таъкидлаш жоизки, юқорида ҳавола берилган конституциявий нормада таъкидланган “бошқа табиий захиралар” тушунчаси бутун энергетика тармоғи, шу жумладан, энергия ресурслари бўлмиш

табиий газ, нефть, кўмир, электр энергияси каби-ларни ҳам қамраб олади.

Ўтган йиллар мобайнида энергия ресурсларидан фойдаланишга доир муносабатларни тартибга солувчи мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди. Жумладан, электр энергияси, табиий газ, кўмир ва бошқа энергия ресурсларидан фойдаланиш-ни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадида 320 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Шундан 75 таси бевосита табиий газдан фойдаланиш, етказиб бериш ва экспорт қилишга доир ҳужжатлардир.

Ижтимоий ҳаётнинг шиддат билан ривожланиб бориши ушбу соҳадаги мавжуд қонун ҳужжатларини ҳам такомиллаштириш эҳтиёжини юзага келтирмоқда. Айниқса, бу борада табиий газдан фойдаланишга тааллуқли бўлган қонун ҳужжатларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Юртимизда табиий газдан оқилона фойдаланиш масаласи ҳуқуқий нуқтаи назардан тадқиқ этилмаганлиги учун ҳам ушбу масалага доир қонунчиликни такомиллаштириш, шартномавий муносабатларни янги, тўғридан-тўғри ижро механизмига эга бўлган нормалар асосида бошқариш

долзарб ҳисобланади.

Ўрганишлар натижасида табиий газдан оқилна фойдаланиш ва уни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий жиҳатлари АҚШлик олимлар Д.Паоло, Р.Тремлада, Пол МакЭвой, Канадалик олим В.Мармер², рус олимларидан С.А.Свирков³, И.П.Марчуков⁴, Арабистонлик олим Амир Хусайн Мабди томонидан тадқиқ этилганлигини кўришимиз мумкин.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ушбу тадқиқот мавзуси С.Г.Ксиропулос⁵, С.А.Свирков⁶ Т.М.Лаврик, С.А.Фролов⁷, Е.А.Галиновский, В.Б.Агафонов, С.А.Боголюбов⁸, Я.А.Блажеев⁹, В.П.Камышанский¹⁰, Л.А.Миринова¹¹, К.Б.Кузнецов¹² ва А.В.Прокаев¹³ каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Мамлакатимизда Х.Рахмонқулов, И.Зокиров, О.Оқюлов, Ш.Рўзиназаров, М.Баратов, М.Имомов ва О.Камоловлар энергия таъминоти шартномаси доирасида ижтимоий муносабатларнинг айрим жиҳатлари ҳақида илмий-назарий фикрларни билдирганлар.

Тан олиб айтиш керакки, амалдаги табиий газдан фойдаланишни тартибга солувчи қонунчилик ўзи тартибга соладиган муносабатлардаги иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатлари, яъни шартномавий мажбуриятлари ва шартларни бажаришга доир ҳолатларини тўлиқ қамраб олмаган. Бу борда илмий мушоҳада юритганда қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш лозим:

биринчи, мавзуга алоқадор миллий илмий адабиётлар ва илмий изланишлар натижаларини ўрганиш натижасида аниқландики, энергиядан оқилна фойдаланишнинг илмий-ҳуқуқий ва назарий жиҳатлари ҳалигача тадқиқ этилмаган;

иккинчи, амалдаги қонунчиликдаги энергия ресурслари, жумладан, табиий газ ва электр энергиясидан оқилна фойдаланишни талаб этадиган нормалар тўғридан-тўғри ижро этилувчи эмас, аксинча, ҳаволаки нормалар сифатида белгиланган;

учинчи, Ўзбекистон Республикасининг “Энергиядан оқилна фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни ва соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда “энергиядан оқилна фойдаланиш”, “оқилна фойдаланиш меъёри”, “энергия самарадорлиги”, “энергия сифати”, “самарадорлик кўрсаткичи”, “энергия сарфлаш нормативи” каби соҳани ҳуқуқий тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга бўлган тушунчаларнинг ҳуқуқий таърифлари ишлаб чиқилмаган;

тўртинчи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Табиий газни етказиб бериш шартномаси ва бошқа энергия манбаларини етказиб беришга ихтисослашган

намунавий шартномаларда маъмурий элементлар ҳалигача сақланиб қолмоқда;

бешинчи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 10 январдаги 8-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси истеъмолчиларига газ етказиб бериш Қоидаларида газни етказиб бериш, ундан фойдаланиш, истеъмол ҳолатини назорат қилиш, мониторинг натижаларини умумлаштириш, якуний назорат натижалари асосида истеъмол ҳолатини рақамли технологиялар асосида аниқлаш каби ҳолатлар назарда тутилмаган;

олтинчи, табиий газни етказиб бериш, тармоққа улаш ва уланиш, фойдаланиш харажатларини ҳисоб-китоб қилиш каби ҳолатлар мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудларида ҳамон эскирган услуб ҳамда воситалар ёрдамида амалга ошириб келинмоқда;

еттинчи, ҳанузгача қонунчиликка табиий газдан оқилна фойдаланиб келаётган истеъмолчиларни рағбатлантириш (турли бонуслар тақдим этиш, тўловларда имтиёз бериш, оқилна фойдаланиш орқали рағбатлантириш балларини жамғариб бориш тартибини жорий этиш кабилар)ни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмай келинмоқда;

саккизинчи, мамлакатимизда табиий газдан фойдаланишга доир муносабатлар, асосан, қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади. Шу билан бирга, ушбу ҳужжатлардаги кўплаб нормалар истеъмолчилар учун тушунарли тарзда баён этилмаганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда айтиш керакки, табиий газдан оқилна фойдаланиш борасидаги амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади. Шу мақсадда, қуйидаги бир қатор илмий асосланган тақлифлар ишлаб чиқилди.

Биринчи тақлиф, энергиядан, хусусан табиий газдан оқилна фойдаланишнинг илмий-ҳуқуқий ва назарий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларини давлат томонидан рағбатлантириш зарур.

Финляндия, Норвегия, Германия ва Сингапур каби ривожланган давлатларда энергетика соҳасини (айниқса, энергияни тежаш билан боғлиқ) такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар давлат илмий-инновацион тадқиқот ишланмаларини молиялаштириш дастурлари доирасида молиялаштирилиб келинади.

Иккинчи тақлиф, табиий газдан фойдаланишга доир муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликдаги ҳаволаки ва истеъмолчилар учун тушунарли тарзда баён этилмаган нормаларни қайта

кўриб чиққан ҳолда, тўғридан-тўғри ижро этилувчи нормалар сифатида ҳамда тушунарли тарзда белгилаш таклиф этилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг олтита моддасида ҳаволаки нормалар мавжуд бўлиб, уларни қайтадан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Учинчи таклиф. Ўзбекистон Республикасининг “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунда соҳада қўлланилиши муҳим аҳамиятга эга бўлган тушунчаларнинг ҳуқуқий таърифини белгилаш бўйича қуйидаги муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди:

энергиядан оқилона фойдаланиш – энергия ресурсларидан қонунчилик талаблари асосида, энергия сарфлаш нормативларига риоя қилган ҳолда асраб, авайлаб, тежаб, исрофгарчиликка йўл қўймай фойдаланиш ёки уни исроф этилишининг ҳар қандай кўринишдаги шаклдан тийилиш;

энергия самарадорлиги – технологияларнинг ҳозирги ривожланиш босқичида энергия ресурсларидан фойдаланишда юқори тежамкорликка эришиш;

табиий газнинг сифати – унинг физик-химёвий кўрсаткичлари қийматларининг белгиланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқлиги;

энергия сарфлаш нормативи – бу ишлаб чиқариш ва атроф-муҳитнинг берилган параметрлари бўйича технологик жараёни таъминлаш учун зарур ва етарли бўлган илмий асосланган энергия ресурслари миқдори.

Тўртинчи таклиф. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Табиий газни етказиб бериш шартномаси ва бошқа энергия манбаларини етказиб беришга ихтисослашган намунавий шартномалар (фуқаролик ҳуқуқида стандарт шартномалар деб юритилади) бандларидаги қоидалар тарафларнинг келишуви асосида тузилишига шарт-шароит яратиш керак.

Бугунги кунда амалиётда табиий газни етказиб бериш шартномаси тайёр ҳолда абонентга тақдим этилади. Бироқ, абонент шартномага ўз хоҳишидан келиб чиқиб ўзгартишлар кирита олмайди. Чунки ҳудудий газ таъминоти корхоналарига абонентлар билан фақат намунавий шартнома асосида уларни тармоққа улаш ва шу асосда товар (газ)ни етказиб бериш мажбурияти юклатилган.

Бешинчи таклиф. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 10 январдаги 8-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси истеъмолчиларига газ етказиб бериш Қоидаларига газни етказиб бериш, ундан фойдаланиш, истеъмол ҳолатини назорат қи-

лиш, мониторинг натижаларини умумлаштириш, якуний назорат натижалари асосида истеъмол ҳолатини рақамли технологиялар воситасида бошқаришга доир қоидаларни киритиш мақсадга мувофиқ.

2021 йилнинг 9 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида истеъмолчиларни нефть ва газ ресурслари билан барқарор таъминлаш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда “*энергетика соҳасини рақамлаштириш кераклиги*”¹⁴ таъкидланиб, қатор вазифалар белгиланди.

Германия, Англия, Россия ва Швецияда истеъмолчиларни газ тармоғига улашда, асосан, истеъмолчини газ тармоғига улашни назарда тутувчи лойиҳа табиий газни тежайдиган ва оқилона фойдаланиш имконини берадиган техник асбоб-ускуналар асосига қурилганлигига эътибор берилади.

Мисол учун, Германия Федератив Республикасининг 2012 йил 1 апрелдаги “Газ тармоғини ривожлантириш режаси”да “*2016 йил 1 январдан бошлаб истеъмолчиларни тармоққа улаш жараёнида тўлиқ равишда газ истеъмол сарфини тежайдиган ва ундан оқилона фойдаланиш имконини берадиган ускуналарни ўрнатиш, уларни электрон тарзда кузатиш ва носозликларни аниқлаш механизмларини жорий этиш*” назарда тутилган.

Олтинчи таклиф. амалдаги қонунчиликка табиий газни етказиб бериш, тармоққа улаш ва уланиш, фойдаланиш харажатларини ҳисоб-китоб қилиш каби ҳолатларни замонавий рақамли технологиялар воситасида бошқаришни назарда тутувчи ўзгартишлар киритиш таклиф этилади.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, Буюк Британиянинг 1986 йилдаги “Газ тўғрисида”ги Қонуни ва Интеллектуал ҳисоблагичларни ўрнатиш амалиёти тўғрисидаги кодексига мувофиқ, мазкур давлатда табиий газ истеъмолчилари ақлли ҳисоблагичлар воситасидагина табиий газдан фойдаланиши мажбурий ҳисобланади¹⁵.

АҚШ газ тармоғида ақлли ҳисоблагичлардан фойдаланиш амалиёти 2007 йилдаги “Энергетик мустақиллик ва хавфсизлик тўғрисида”ги Федерал қонун асосида жорий этилган¹⁶. АҚШда ўрнатилган ақлли ҳисоблагичларнинг умумий сони 2018 йилда 86,8 миллионга етган. Россия Федерациясида 2018 йил 27 декабрь кунги қонунга мувофиқ, давлат миқёсида электр энергияси ва газдан фойдаланиш ҳисобини юритувчи ақлли ҳисоблагичларни ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда¹⁷.

Еттинчи таклиф. қонунчиликка табиий газдан

оқилона фойдаланиб келаётган истеъмолчиларни рағбатлантиришни назарда тутувчи нормаларни киритиш муҳим ҳисобланади.

Хорижий давлатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, Россияда энергиядан оқилона фойдаланган истеъмолчиларни рағбатлантириш учун “*Виждонли истеъмолчи дастури*” доирасида тежамкор истеъмолчиларга қўшимча истеъмол қувватлари тақдим этилади.

Беларусь давлатида эса 2009 йилдан буён ўз фаолиятида энергия тежамкор (газ ва электр энергияси) асбоб-ускуналарни четдан олиб кирувчи улгуржи истеъмолчилар (юридик шахслар)га солиқ соҳасида имтиёзлар бериб келинмоқда.

Чунончи, Беларусь Республикаси Солиқ кодексининг 207-моддаси 3.5-бандига мувофиқ, энергияни тежашга ҳаракат қилувчи юридик шахслар ва қайта тикланувчи энергия ресурсларидан (хусусан, биогаз) фойдаланаётган улгуржи истеъмолчиларга даромад, қўшимча қиймат ва ер солиқларини тўлашда имтиёзлар назарда тутилган.

Саккизинчи таклиф, табиий газдан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни яхлит қонун ҳужжати билан тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон

Республикасининг “Газ таъминоти тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Хорижий тажрибани кўрадиган бўлсак, Россия, Англия, АҚШ, Франция, Беларусь ва Қозоғистон каби давлатларда табиий газдан фойдаланишни тартибга солувчи яхлит қонун қабул қилинган.

Масалан, Қозоғистон Республикасида “Газ ва газ таъминоти тўғрисида”, Россия Федерациясида “Россия Федерациясида газ таъминоти тўғрисида”, Беларусь Республикасида “Газ таъминоти тўғрисида” қонунлар, Германияда “Газ таъминоти тўғрисида” Акт қабул қилинган бўлиб, табиий газдан оқилона фойдаланиш ва бу борадаги жавобгарликка доир барча нормалар мазкур қонун ҳужжатларида белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, Бош қомусимизда белгиланган конституциявий норма асосида табиий газдан оқилона фойдаланиш соҳадаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар самарали тартибга солинмоқда. Ўз навбатида, бугунги кунда бу борадаги ижтимоий муносабатларни ҳамда уларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон.
2. Paul MacAvoy, Vadim Marmer, Nikolay Moshkin and Dmitry Shapir. Natural gas networks performance after partial deregulation. World scientific series on Energy and Resource Economics – Vol. 5. pp-219.
3. Свирков С.А. Гражданско-правовое регулирование в сфере энергоснабжения. Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Москва: 2019. 56 с.
4. Марчуков И.П. Гражданско-правовое регулирование внешнетогового оборота энергетических ресурсов в РФ, ЕС и БРИКС. Автореф. дис. канд. юрид. наук. – Москва: 2017. 29 с.
5. Ксиропулов. С.Г. Правовое регулирование энергоснабжения с использованием возобновляемых источников энергии. Краснодар 2013. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук.
6. С.А.Свирков. Гражданско-правовое регулирование в сфере энергоснабжения. Москва 2019. диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук.
7. Правовое регулирование отношений в сфере энергетики :учебное пособие для студентов, обучающихся по направлению 030900 «Юриспруденция» / Т. М. Лаврик, С. А. Фролов. – Тамбов :Изд-во ФГБОУ ВПО «ТГТУ», 2014. – 80 с. -100 экз.
8. Правовой механизм обеспечения рационального использования природных ресурсов : монография / Е.А. Галиновская, В.Б. Агафонов, С.А. Боголюбов [и др.] ; отв. ред. Е.А. Галиновская. — Москва : Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации : ИНФРА-М, 2022. — 312 с.
9. Я.А. Блажеев. Эколого-правовое регулирование отношений в нефтегазовом комплексе России. Москва 2016. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук.
10. Камышанский В.П. Понятие и источники гражданско-правового регулирования энергосбережения. Научный журнал КубГАУ. 2014.
11. Миронова Л.А. Гражданско-правовые договоры в сфере природопользования. Казань 2004. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук.
12. Кузнецов К.Б. Договоры поставки и транспортировки газа через присоединенную сеть: правовая природа, особенности правового регулирования. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Екатеринбург – 2012.
13. Прокаев А.В. Гражданско-правовое регулирование договорных отношений в области добычи нефти и газа. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Саратов – 2005.
14. <https://www.president.uz/uz/lists/view/4535>
15. An official website of government of UK // <https://www.legislation.gov.uk>
16. An official website of United States Environmental Protection Agency // <https://www.epa.gov>
17. Официальный интернет-портал правовой информации // <http://publication.pravo.gov.ru> Сех же тов облигу, клавитени пахсолить книеми исперогадей.

Саидахмад ИШАНХОДЖАЕВ,

Қонунчилик муаммолари ва парламент
тадқиқотлари институти бош илмий ходими,
юримдик фанлар номзоди

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРГА ОИД АЙРИМ МАСАЛАЛАР

Аннотация. Мақолада хорижий мамлакатлар конституцияларидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳуқуқларига оид айрим нормаларнинг илмий-назарий жиҳатлари ёритилган ҳамда бу борада Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги нормаларни такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: конституция, асосий қонун, миллий қонунчилик, хорижий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, меҳнаткаш-мигрант.

Аннотация. В статье освещены научно-теоретические аспекты некоторых норм конституций зарубежных стран о правах иностранных граждан и лиц без гражданства, и были выдвинуты предложения по совершенствованию норм Конституции Республики Узбекистан.

Ключевые слова: конституция, основной закон, национальное законодательство, иностранные граждане, лица без гражданства, трудящийся-мигрант.

Annotation. The article describes the scientific and theoretical aspects of some norms of the constitutions of foreign countries on the rights of foreign citizens and stateless persons, and, in this regard, puts forward proposals for improving the norms of the Constitution of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: constitution, basic law, national law, foreign nationals, stateless persons, migrant worker.

Маълумки, инсоният тарихидаги илк ёзма конституция ҳисобланган Америка Қўшма Штатлари (АҚШ) Конституцияси 1787 йил 17 сентябрда қабул қилинган бўлиб, 1791-1992 йиллар давомида унинг матнига 27 маротаба тузатишлар киритилган. Маълумотларга қараганда, 1787 йилдан буён ҳозирга қадар уни такомиллаштириш борасида 10 мингдан зиёд таклифлар келиб тушган, лекин аксарияти АҚШ Конгресси томонидан қўллаб-қувватланмаган.

Албатта, жамиятда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар конституция ва унинг асосида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳам ўзгаришига олиб келиши табиий.

Ҳозирги кунда дунёнинг 200 дан ортиқ мамлакатларида конституция мавжуд бўлиб, у инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, шунингдек қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳамда жамият ва давлат ҳаётига доир бошқа муҳим масалаларнинг ҳуқуқий асосларини белгиловчи, олий юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, конституцияда инсон ҳуқуқлари ва унинг кафолатлари халқаро стан-

дартлар асосида ифодаланганлиги мамлакатда олиб борилаётган демократик ислохотларнинг муҳим белгисидир.

Хорижий давлатлар конституцияларига назар ташлайдиган бўлсак, Финляндия Асосий қонунининг 9-моддасида фуқаролар ва мамлакатда қонуний истиқомат қилувчи хорижликлар унинг ҳудуди бўйлаб эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган¹.

Италия Конституциясининг 10-моддасида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари устувор экани, ўз мамлакатида демократик эркинликлардан фойдаланиш ҳуқуқи ва имкони-ятидан маҳрум бўлган чет эл фуқаросига Италия Конституцияси ва қонунларида белгиланган тартибда бошпана олиш ҳуқуқи кафолатланиши², 35-моддасида эса чет эллардаги италияликларнинг меҳнати давлат томонидан муҳофаза қилиниши мустаҳкамланган³.

Шу сингари қонидани Испания Конституциясида ҳам кузатиш мумкин, яъни унинг 42-моддасида давлат томонидан чет эллардаги испаниялик меҳнаткашларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасида алоҳида гамхўрлик кўрсатилиши ҳамда уларни ўз юртла-

рига қайтаришга қаратилган сиёсат юритилиши белгиланган⁴.

МДҲга аъзо давлатлар конституцияларини ўрганишимизда ҳам, масалан, Россия Федерацияси Конституциясининг 62-моддасида Россия фуқароси хорижий давлат фуқаролигига (икки фуқароликка) эга бўлиши ва федерал қонун ёки халқаро шартномаларда бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари чекланмаслиги, ўз навбатида, Россия фуқаролигидан келиб чиқадиган мажбуриятлардан ҳам озод қилмаслиги, шу билан бирга, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Россия фуқаролари билан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши қайд этилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин⁵.

Беларусь Республикаси Конституциясининг 11-моддасида эса мамлакат ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, агар Конституция, қонунлар ва халқаро шартномаларда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Беларусь фуқаролари билан тенг ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишлари ҳамда мажбуриятларни бажаришлари назарда тутилган⁶.

Шу каби нормаларни Қозоғистон (4-модда⁷), Озарбайжон (65-модда⁸) ҳамда Қирғизистон (14-модда⁹) конституцияларида ҳам учратишимиз мумкин.

Бундан ташқари, Қирғизистон Конституциясининг 20-моддасида халқаро мажбуриятларга асосланган ҳолда сиёсий сабаблар билан ёки инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги учун таъқибга учраган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга сиёсий бошпана берилиши мумкинлиги белгиланган¹⁰.

Шу ўринда мамлакатимиз Асосий қонунига қарайдиган бўлсак, унинг 23-моддасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланиши ҳамда улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этишлари хусусидаги норма мустақамланганлигини кўришимиз мумкин.

Ушбу конституциявий қоида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларидан келиб чиққан ҳолда янада ривожлантирилиб, жорий йилнинг 4 июнида “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Мазкур Қонунда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга оид тушунчалар, уларнинг ҳуқуқий ҳолати ҳамда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари, Ўзбекистон ҳудудида

вақтинча туриш ва доимий яшаш тартиби, сиёсий бошпана бериш асослари каби масалалар ўрин олган.

Шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 204-бандида ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг 41-бандида давлат ва инсон манфаатларига дахлдор миграция муаммоларини ҳал этиш, бу соҳадаги муносабатларнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида мутасадди ташкилотлар зиммасига “Меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

Юқорида қайд қилинган вазифа ижроси доирасида 2021 йилнинг 25 августида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган “Меҳнат миграцияси тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси парламент Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамда Халқаро миграция ташкилоти вакиллари, олимлар, соҳа мутахассислари иштирокида жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди. Тадбирда қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бинобарин, ҳозирги кунда мамлакатимизга хорижий инвестициялар, товар капитали, молия ва меҳнат ресурслари оқими ортиши кузатилаётган бир пайтда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун юқори малакали мутахассисларнинг ҳам юртимизга келиши ҳолатлари кун сайин кўпаймоқда. Бу эса уларнинг ҳуқуқий мақоми, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва бошқа ҳуқуқларига оид масалаларни миллий қонунчилик даражасида тартибга солишни тақозо этади.

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги маълумотига кўра, 2020 йилда хорижий ишчи кучини жалб қилаётган 1 820 та корхона томонидан 8 141 хорижий фуқарога меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун тасдиқнома берилган.

Шунингдек, 2021 йилнинг ўтган даврида хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширган меҳнат мигрантлари сони 1 млн 480 минг кишини ташкил этган¹¹.

Баён қилинганлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифларни билдиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, Ўзбекистон Республикасида хорижлик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган

шахсларнинг меҳнат қилишини тартибга солувчи “Меҳнат миграцияси тўғрисидаги” Қонун қабул қилиниши ўринли бўлиб, унда меҳнат мигранти ва унинг оила аъзолари ҳамда уларнинг иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқларига оид минимал талаблар аниқ белгиланиши керак;

иккинчидан, меҳнат мигрантларини жалб этишнинг самарали механизмларини, хусусан, юқори малакали мутахассисларни мамлакатимизнинг иқтисодий тармоқларига жалб этишнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш ҳамда уларнинг фаолияти натижадорлигини баҳолаш ва ҳисобини юритиш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ;

учинчидан, юқорида баён қилинганлардан ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 6 ноябрь куни лавозимга киришиш тантанали маросимдаги “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз” деб номланган маърузасида Бош қомусимизни такомиллаштириш билан боғлиқ конституциявий ислохотларни амалга ошириш масаласини ҳам кўриб чиқиш кераклиги ҳақида¹² таъкидлаган фикрларидан келиб чиққан ҳолда, Конституция-мизнинг “Фуқаролик” деб номланган VI бобига меҳнаткаш-мигрант тушунчаси, унинг ҳуқуқий мақоми ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир алоҳида нормани киритиш таклиф этилади;

тўртинчидан, АҚШ¹³, Канада¹⁴ ва Австралия¹⁵ тажрибасини пухта ўрганган ҳолда, мамлакатимизда ҳам Ўзбекистон Республикасига тўғридан-тўғри

500 минг доллар миқдорида хорижий инвестиция олиб кирган ва 5 тадан 10 тагача иш ўрни яратиб, улар орқали маҳаллий аҳоли вакилларини доимий иш билан таъминлаган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш тўғрисида мурожаат қилган тақдирда уларга Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлишнинг соддалаштирилган тартибини назарда тутувчи нормаларни тегишли қонунларга киритиш масаласини ҳам кўриб чиқиш лозим;

бешинчидан, миграция жараёнлари статистикаси ва уни самарали бошқаришнинг ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда ягона миграция статистикаси ва миграция жараёнларини бошқарувчи ҳамда ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи “Миграция масалалари қўмитаси”ни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юқоридаги таклифларнинг қонунчиликка татбиқ этилиши натижасида давлатимиз томонидан миграция жараёнини самарали бошқаришга, шунингдек хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий ҳимоянинг манзилли ва самарали бўлишига эришилади.

Шу билан бирга, бу борадаги конституциявий нормаларнинг ҳамда соҳага алоқадор қонунларнинг такомиллаштирилиши мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлиги янада юксалишига ҳам хизмат қилади.

1. Финляндия Асосий қонуни // concourt.am/armenian/legal_resources/world_constitutions/constit/finland/fincon-r.htm.
2. Италия Республикасининг Конституцияси // worldconstitutions.ru/?p=148
3. Ўша жойда.
4. Испания Республикасининг Конституцияси // concourt.am/armenian/legal_resources/world_constitutions/constit/spain/spain--r.htm
5. Россия Федерациясининг Конституцияси // constitution.ru/10003000/10003000-4.htm
6. Беларусь Республикасининг Конституцияси // pravo.by/pravovaya-informatsiya/normativnye-dokumenty/konstitutsiya-respubliki-belarus/
7. 1995 йилнинг 5- сентябрдаги Қозоғистон Республикаси Конституцияси. online.zakon.kz/Document/?doc_id=1005029&doc_id2=1005029#activate_doc=2&pos=1232;5&pos2=135;85
8. Озарбайжон Республикасининг Конституцияси // mincom.gov.az/ru/view/pages/13/
9. Қирғизистон Республикасининг Конституцияси // stat.kg/media/files/1bfbcd49-805c-4460-8988-dad9b7341f70.pdf
10. Ўша жойда.
11. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг 2020 йилда ташқи меҳнат миграцияси ҳолати, меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилган ишлар ҳақида йиғма-таҳлилий маълумот.
12. 2021 йил 6-ноябрь куни янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисидаги “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз” деб номланган маърузаси // president.uz/uz/lists/view/4743
13. Гражданство США за инвестиции: как получить иммиграционную визу // immigrantinvest.com/blog/how-to-get-us-citizenship-by-investment/
14. Гражданство Канады за инвестиции // immigrantinvest.com/blog/canadian-citizenship-by-investment/
15. Гражданство Австралии через инвестиции // immigrantinvest.com/blog/australian-citizenship-by-investment/

Саҳипжамал ДЖОЛДАСОВА,

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академияси мустақил тадқиқотчиси,
юридик фанлар номзоди, доцент

Айбек ГАНИБАЕВ,

Қонунчилик муаммолари ва парламент
тадқиқотлари институти
бош илмий ходими

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ – ДАВЛАТ МИГРАЦИЯ СИЁСАТИДА ГЕНДЕР ТАМОЙИЛЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистоннинг давлат миграция сиёсатини амалга оширишда гендер тамойилларини татбиқ этиш масалалари таҳлил қилинган ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: инсон ҳуқуқлари, фуқароларнинг тенглиги, эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи, миграция, гендер миграцияси, гендер тамойиллари.

Аннотация. В статье проанализированы некоторые аспекты внедрения гендерных принципов в государственную миграционную политику Узбекистана, а также разработаны соответствующие рекомендации по данному вопросу.

Ключевые слова: права человека, равноправие граждан, право свободного передвижения, миграция, гендерная миграция, гендерные принципы.

Annotation. The article analyzes some aspects of the introduction of gender principles into the state migration policy of Uzbekistan, and also developed appropriate recommendations on this issue.

Keywords: human rights, equality of citizens, free movement legal, migration, gender migration, gender principles.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида инсонларнинг тенглиги ва эркин ҳаракатланишининг таъминланиши уларнинг ажралмас ҳуқуқлари қаторига киритилган бўлиб, бундай ҳуқуқлар Конституциямизда ҳам ўз ифодасини топган.

Жумладан, Асосий қонунимизда Ўзбекистон Республикаси фуқароси республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш (28-модда), мамлакатимиз ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланиши кафолатлангани (23-модда), эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги таъминланиши белгилангани (46-модда) фуқароларнинг тенглиги ва уларнинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи конституция даражасида мустақамлаб қўйилганлигини яққол намоён этади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида одамларнинг эркин ҳаракат қилишини чеклайдиган хорижга чиқиш визалари сингари умрини мутлақо ўтаб бўлган ўтмиш қолдиқлари бекор қилинганлигини¹ эълон қилиши мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳадаги ютуғи сифатида қабул қилинди.

Халқаро миграция ташкилотининг маълумотларига асосан (2021 йил 1 январь ҳолатига кўра), халқаро мигрантлар сони 281 миллионга етган бўлиб, бу дунё аҳолисининг 3,5 фоизини ташкил эта-

ди. Уларнинг 130 миллион қисми (ёки 48 фоизи) эса хотин-қизлардан ташкил топган².

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг маълумотида ҳам 2010-2020 йилларда Ўзбекистонга кўчиб келганлар ва юртимиздан кўчиб кетганлар ичида эркаклардан кўра аёлларнинг улуши кўпайганлигини кўришимиз мумкин³. Ушбу кўрсаткичлар ҳам миграция соҳасини тартибга солиш масаласи нақадар долзарблигидан далолат беради.

Жаҳонда минтақавий ва глобал миқёсда содир бўлаётган тарихий ўзгаришлар натижасида БМТга аъзо давлатлар томонидан миграция ва кўчиб ўтишнинг халқаро кўринишлари тўғрисида иккита йирик халқаро ҳужжат, яъни Хавфсиз, тартибли ва қонуний миграция тўғрисидаги глобал битим⁴ ҳамда Қочоқлар тўғрисидаги битим⁵ қайта кўриб чиқилиши жараёнида давлатлар, халқаро ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ва хусусий сектор вакилларининг миграцияни тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган ва кўп йиллар давомида амалга оширилаётган ишлари қаторида миграция соҳасида муҳим илмий аҳамият касб этувчи гендер миграциясига оид тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикаимизда миграция соҳасини тартибга солиш, хусусан аҳолини рўйхатга олиш тизимини такомиллаштириш, миграция соҳасидаги ваколатли органларнинг фаолиятини такомиллаштириш, қонуний ва тартибли меҳнат миграциясини таш-

киллаштириш, хориждан қайтиб келган меҳнат мигрантларини реинтеграция қилиш, хориждаги ватандошлар билан ҳамкорликни таъминлаш йўналишларида ҳуқуқий асослар яратилган.

Бунга Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги⁶, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги⁷, “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги⁸, “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги⁹, “Халқаро миграция ташкилоти конституциясини (Брюссель, 1953 йил 19 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида”ги¹⁰ қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибини такомиллаштиришга доир муҳим чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5156-сон Фармони¹¹, 2018 йил 5 июлдаги “Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3839-сон¹² ҳамда 2020 йил 15 сентябрдаги “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4829-сон¹³ қарорлари яққол мисол бўлади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги СҚ-297-IV-сон қарори билан тасдиқланган “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси”да мазкур соҳадаги муаммолар қаторида ташқи ва ички миграциянинг гендер жиҳатлари, унинг хотин-қизлар ва эркакларга, уларнинг оиласи ва фарзандларига таъсири бўйича тадқиқотлар етарлича олиб борилмаётганлиги, меҳнат мигрантлари – хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари лозим даражада ташкил қилинмаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Стратегия доирасида белгиланган вазифалар қаторида 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш миллий мақсадларига эришишда парламент, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, илгари халқаро миграция соҳасида аёллар ўз ўрнига эга бўлмай, уларга мигрант эркакларнинг оила аъзоси сифатида қаралган бўлса, ҳозирда меҳнат мигрантларининг мустақил гуруҳи сифатида уларга нисбатан “*unattached migrants*”, яъни “*бириктирилмаган*” махсус атамаси қўлланилмоқда.

Миграция (ички ва ташқи) жараёнида аёлларнинг “*бирламчи*” ва “*иккиламчи*” ўриндаги иштироки, одам савдоси ва мажбурий меҳнат жабрланувчилари сифатида ҳам аёлларнинг улуши кўпаяётганлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳозирда миграция соҳасида давлат сиёсатини шакллантиришда гендер жиҳатларини жорий этишга оид қонун ҳужжатларини амалиётга татбиқ этиш механизмларини янада такомиллаштириш керак.

БМТнинг гендер тенглик ва аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш масалалари тузилмаси (БМТнинг гендер масалалари бўйича махсус тузилмаси) томонидан олиб борилмаётган тадқиқотларда меҳнат миграцияси соҳасида гендер йўналтирилган сиёсатнинг қуйидаги, яъни эркак ва аёлларнинг қонуний ва хавфсиз миграциясини ҳамда ишга жойлашиш йўллари кенгайтириш, аёл ва эркак мигрантлар учун камситмаслик принципи, имкониятлар тенглиги ва ресурслардан тенг фойдаланишни жорий этиш, барча мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга нисбатан адолатли муносабатда бўлиш тўғрисидаги умумий қоидалар (масалан, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, адолатли иш ҳақи бериш ва бошқалар), шунингдек мигрантларнинг алоҳида эҳтиёжларини қондиришга қаратилган махсус чора-тадбирларни (масалан, гинекологик ва акушерлик ёрдам олиш, жинсий зўравонликдан ҳимояланиш ва бошқалар) ишлаб чиқиш, мигрант аёллар ҳақида салбий таассуротларни, аёллар учун оила ва жамиятда қийинчиликлар яратувчи гендер стереотипларини енгиб чиқиш¹⁴ йўналишлари белгиланмоқда.

Шу билан бирга, БМТнинг гендер масалалари бўйича махсус тузилмаси тавсияларида гендер йўналтирилган сиёсат жинсга ажратиб берувчи статистик маълумотларга таянмаслиги назарда тутилмоқда.

Миграцияни ҳуқуқий тартибга солишнинг замонавий босқичи уни барқарор ривожланиш мақсадларидаги ўрнини белгилаш ва ролини оширишга қаратилган бўлса-да, мигрантларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш асосий устувор мақсад бўлиб қолаверади. Масалан, Қочоқ ва мигрантлар тўғрисидаги Нью-Йорк декларацияси дунёдаги етакчи давлатларнинг глобал даражада инсон ҳаётини асраш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги масъулияти ва мажбуриятларини тенг тақсимлашга қаратилган.

Мазкур Декларацияда давлатлар зиммасига қочоқ ва мигрантларни, уларнинг ҳуқуқий ҳолатидан қатъи назар, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, барча қочоқ-болалар ва мигрант-болалар белгиланган давлатга етиб келганидан сўнг бир неча ой

давомида уларнинг таълим олишини таъминлаш, жинсий ва гендер тазйикнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш, қутқарув ишларини олиб борувчи ҳамда кўп сонли қочоқ ва мигрантларни қабул қилувчи давлатларга ёрдам кўрсатиш, миграция мақомини белгилаш учун болаларни қамоққа олиш амалиётини бекор қилиш бўйича чоратадбирлар олиб бориш, қочоқ ва мигрантларга нисбатан ксенофобия ҳодисасига қарши глобал тарзда курашиш, катта ҳажмда ва бардавом тусга эга қочоқ ва мигрантлар билан боғлиқ ҳолатларда уларга нисбатан янги механизм асосида комплекс чора-тадбирларни жорий этиш, қочоқларга қабул қилувчи давлатларда қулай шароит яратиш, хусусан янги уй-жой, ишчи кучи ёки таълим дастурларининг мобиллигини таъминловчи дастурлар ишлаб чиқиш каби 8 та асосий мажбурият юклатилган¹⁵.

2018 йилга келиб ушбу Декларацияда Миграция тўғрисидаги глобал битимни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси ҳам белгиланган эди. Айтиш керакки, халқаро миграциянинг барча жиҳатларини қамраб олган ва ҳар томонлама кенг қамровли халқаро ҳужжат ҳам Миграция тўғрисидаги глобал битим ҳисобланиб, у БМТ шафелигида 2018 йилда қабул қилинган ва миграция жараёнини тартибга солиш, замонавий миграция муаммоларини ҳал этиш, мигрантларнинг барқарор ривожланишдаги улушини мустақамлаш имкониятларини яратди.

Демак, миграция соҳасида халқаро ҳуқуқ нормалари тизимининг гендер жиҳатлари, авваламбор, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонун устунлигига оид масалалар халқаро устувор аҳамиятга эга, уларга риоя қилиш ҳар бир давлат-

нинг мажбурияти, шунингдек давлатлараро икки томонлама шартномаларда *“оила бутунлигини сақлаш”, “оилани бирлаштириш”, “бола манфаатини таъминлаш”* каби принципларнинг жорий этилиши шахснинг муайян давлатга кириши учун асос ҳисобланади.

Хулоса ўрнида, юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, миграция соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда қуйидаги гендер йўналтирилган таклифлар билдирилади:

эркак ва аёллар ўртасида меҳнат, ҳокимият ва ваколатларни тақсимлаш жиҳатларига эътибор қаратиш;

мамлакатда иш ўринларини яратиш, шунингдек хориждаги бўш иш ўринларининг рўйхатини шакллантиришда *“феминизацияланган”* секторга кўпроқ аҳамият бериш (мисол учун, аёллар меҳнатига кўпроқ эҳтиёж бўлган хизмат кўрсатиш соҳалари, хусусан тиббий хизмат, уй ишларини бажариш, бола ва қарияларни парвариш қилиш кабилар);

хорижий давлатларда меҳнат миграциясида бўлган аёллар, қизлар ва болаларнинг заифлиги ва алоҳида эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уларга тиббий, психологик ва маслаҳат хизматларини бепул олиш имкониятини яратиш;

одил судлов ва самарали ҳуқуқий ҳимояни ташкил этиш бўйича хориждаги ватандошлар ва диаспоралар ёрдамида ўзбекистонлик фуқаролар учун тиббий марказ, таълим муассасалари очилишини ташкил этиш;

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун *“оилавий яшаш гувоҳномаси”*ни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

1. Мирзиёев Ш.М. Инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлаш – демократик жамият асосидир. БМТ Бош Ассамблеясининг 2017 йил 19 сентябрда бўлиб ўтган 72-сессиясидаги нутқи // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2-нашри, 2020. – Б. 245.

2. International migration 2020: report/ Department of Economic and Social Affairs Population Division/ United Nations. New York, – 2020. P. 2-3, 10. www.un.org, www.un.org/development/desa/pd/#UNPPopulation.

3. Қаранг: Аҳоли миграцияси (киши) // <https://gender.stat.uz/uz/327-asosiy-ko-rsatkichlar/8734-demografiya> // file:///C:/Users/DR/Desktop/777777/ Aholi%20migratsiyasi.pdf.

4. <https://www.undocs.org/A/RES/73/195>.

5. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/refugees.shtml.

6. <https://lex.uz/docs/4761984>.

7. <https://lex.uz/docs/5055690>.

8. <https://lex.uz/docs/4766082>.

9. <https://lex.uz/docs/3992869>.

10. <https://lex.uz/docs/4127914>.

11. <https://lex.uz/docs/3311609>.

12. <https://lex.uz/docs/3811317>.

13. <https://lex.uz/docs/4997972>.

14. Гендерные подходы в формировании политики регулирования трудовой миграции: экспертная оценка. Документация опыта региональной программы по трудовой миграции в Центральной Азии и России, реализуемой совместно Международной организацией по миграции, ООН женщины и Всемирным банком при поддержке правительства Великобритании. P. 63-64 // www.unwomen-eeca.org.

15. Constitution and Basic Texts of the Governing Bodies // www.iom.int/constitution-and-basic-texts-governing-bodies.

Фозилжон ОТАХОНОВ,

директор Института проблем законодательства
и парламентских исследований,
доктор юридических наук, профессор

КОНСТИТУЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА

Аннотация. В статье анализируются изменения, внесенные в Конституцию Республики Узбекистан в рамках реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития страны. Автор объективно исследует опыт зарубежных государств в вопросах конституционных преобразований и приходит к выводу о необходимости подготовки проекта обновленной Конституции с целью построения социального, действительно народного государства.

Ключевые слова: конституция, демократизация, реформирование, Стратегия действий, развитие, преобразования, конституционные реформы, зарубежный опыт.

Аннотация. Мақолада мамлакатни ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгаришлар таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан конституциявий ислохотлар борасидаги хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳолисона ўрганилиб, ижтимоий ва чинакам халқпарвар давлатни барпо этиш учун Конституциянинг янги лойиҳасини тайёрлаш зарурати борасидаги ҳулосалар келтирилган.

Калит сўзлар: конституция, демократлаштириш, ислох қилиш, Ҳаракатлар стратегияси, тараққиёт, ўзгаришлар, конституциявий ислохотлар, хорижий тажриба.

Annotation. The article analyzes the amendments made to the Constitution of the Republic of Uzbekistan within the framework of the implementation of the National Action Strategy for five priority areas of the country's development. The author objectively examines the experience of foreign states in matters of constitutional transformations and comes to the conclusion that it is necessary to prepare a draft of the updated Basic Law, in order to build a social, truly people's state.

Keywords: constitution, democratization, reforming, National action strategy, development, transformations, constitutional reforms, foreign experience.

За годы независимости Республики Узбекистан в рамках осуществления стратегического курса на формирование демократического правового государства, сильного гражданского общества проведены широкомасштабные реформы по демократизации и либерализации государственного управления, основной целью которой является реализация принципа **«Во имя чести и достоинства человека»**. Деятельность государства теперь строиться с учётом приоритета интересов личности над государственными – человек, его права и свободы, законные интересы являются наивысшими ценностями.

Приняв 29 лет назад, 8 декабря 1992 года, великий, ни с чем не соизмеримый, по сути, и значению исторический документ, Основной закон нашей жизни – Конституцию страны, мы полностью отказались от старого, изжившего себя строя, открыли путь и возможности для построения нового государства и общества.

В праздничном поздравлении народу Узбекистана Президент Шавкат Мирзиёев отметил, «все мы хорошо знаем и высоко ценим то, что Конституция, являющаяся Основным законом нашей жизни, служит прочным правовым фундаментом всех наших успехов и достижений в годы независимости»¹.

Завершается пятый год интенсивной и после-

довательной реализации разработанной по инициативе Президента и утвержденной 7 февраля 2017 года Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах.

Благодаря Стратегии действий, разработанной на основе Конституции Республики Узбекистан, наша страна за короткий период перешла на совершенно **новый этап** развития государства и общества. Основным закон являет собой необходимый правовой фундамент в построении Нового Узбекистана².

В рамках реализации Стратегии действий в Конституцию Республики Узбекистан внесено **девять важных** поправок.

Первое. В целях совершенствования и повышения эффективности деятельности судебной системы, дальнейшего укрепления судейского корпуса и обеспечения подлинной независимости судебной власти в Республике Узбекистан Законом Республики Узбекистан **от 6 апреля 2017 года № ЗРУ-426** внесены изменения и дополнения в статьи 80, 81, 83, 93, 107, 110 и 111 Конституции Республики Узбекистан.

К исключительным полномочиям Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан дополнительно отнесено **назначение по представлению Президента Республики Узбекистан председа-**

теля Высшего судебного совета Республики Узбекистан (статьи 80, 93), председателю Высшего судебного совета предоставлено право участия на заседаниях Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан, а также на заседаниях их органов (статья 81).

Согласно пункта 14 части первой статьи 93 Конституции определено, что Президент **«назначает и освобождает по представлению Высшего судебного совета Республики Узбекистан** от должности председателей и заместителей председателей судов областей и города Ташкента, председателя Военного суда Республики Узбекистан; утверждает в соответствии с законом членов Высшего судебного совета Республики Узбекистан».

Часть первая статьи 107 Конституции изложена в новой редакции «Судебная система в Республике Узбекистан состоит из Конституционного суда Республики Узбекистан, Верховного суда Республики Узбекистан, военных судов, судов Республики Каракалпакстан по гражданским и уголовным делам, областных и Ташкентских городских судов по гражданским и уголовным делам, экономических и административных судов Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента, межрайонных, районных, городских судов по гражданским делам, районных, городских судов по уголовным делам, межрайонных, районных, городских экономических судов и районных, городских административных судов».

Конституционный статус Высшего судебного совета Республики Узбекистан установлен в статье 111 Конституции следующим образом: **«Высший судебный совет Республики Узбекистан является органом судебного сообщества и оказывает содействие в обеспечении соблюдения конституционного принципа независимости судебной власти в Республике Узбекистан. Организация и порядок деятельности Высшего судебного совета Республики Узбекистан определяются законом».**

Второе. В целях укрепления самостоятельности и независимости Конституционного суда Республики Узбекистан Законом **от 31 мая 2017 года № ЗРУ-430** внесены изменения и дополнения в статьи 108 и 109 Конституции.

Согласно поправкам, внесенным в статью 108 Конституции, теперь Конституционный суд избирается Сенатом Олий Мажлиса Республики Узбекистан по представлению Президента Республики Узбекистан из числа специалистов в области политики и права, рекомендованных **Высшим**

судейским советом Республики Узбекистан, включая представителя от Республики Каракалпакстан.

В поправках, внесенных в статью 109 Конституции, предусмотрено: Конституционный суд Республики Узбекистан определяет соответствие Конституции Республики Узбекистан конституционных законов Республики Узбекистан, законов Республики Узбекистан о ратификации международных договоров Республики Узбекистан – до их подписания Президентом Республики Узбекистан; рассматривает обращение Верховного суда Республики Узбекистан, инициированное судами, о соответствии Конституции Республики Узбекистан нормативно-правовых актов, подлежащих применению в конкретном деле; по результатам обобщения практики конституционного судопроизводства ежегодно представляет палатам Олий Мажлиса Республики Узбекистан и Президенту Республики Узбекистан информацию о состоянии конституционной законности в стране.

Внедрение в жизнь этих конституционных изменений служит дальнейшему совершенствованию системы правосудия государства, повышению эффективности деятельности Конституционного суда, обеспечению надежной защиты прав и свобод граждан. Тем самым данные конституционные изменения повысили уровень социального оощрения судей и работников системы правосудия.

Третье. В целях дальнейшего укрепления демократических основ государственной власти, роли и значения представительных органов в осуществлении социально-экономических, общественно-политических преобразований Законом Республики Узбекистан **от 29 августа 2017 года № ЗРУ-439** внесены изменения и дополнения в статьи 99 и 102 Конституции. Так, из статьи 99 Конституции исключены слова **«а также районов, входящих в состав города»**. Введенными в статью 99 Конституции изменениями закреплено: представительными органами власти в областях, районах и городах (кроме городов районного подчинения) являются Кенгаши народных депутатов.

В связи с организацией Кенгашей народных депутатов во всех 11 районах, входящих в состав города Ташкента в статье 102 Конституции установлен единый порядок назначения и освобождения от должности хокимов районов и городов.

Четвертое. Законом Республики Узбекистан **от 15 октября 2018 года № ЗРУ-498** в статье 105 Конституции слова **«на 2,5 года председателя (аксакала) и его советников»** заменены словами **«председателя (аксакала)»**. После чего, срок полномочий председателя (аксакала) законом уста-

новлен на три года.

Пятое. Законом Республики Узбекистан от 18 февраля 2019 года № ЗРУ-522 в связи с изменением название Службы национальной безопасности Республики Узбекистан слово «национальной» заменено словом «государственной» в п. 7 ст. 80 и в п. 24 части 1 статьи 93 Конституции.

Шестое. Законом от 5 марта 2019 года № ЗРУ-527 внесены изменения и дополнения в статьи 79, 93 и 98 Конституции, согласно которым расширены исключительные полномочия Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан. В частности, предусмотрено следующее полномочие: «*рассмотрение и одобрение по представлению Премьер-министра Республики Узбекистан кандидатур в члены Кабинета Министров Республики Узбекистан для последующего утверждения их на должности Президентом Республики Узбекистан*».

Седьмое. Законом от 4 сентября 2019 года № ЗРУ-563 внесены изменения и дополнения в статьи 96 и 117 Конституции. В статье 96 слова «с Законом «О выборах Президента Республики Узбекистан» заменены словами «с законом», а в ст. 117 часть 4 заменена частями 4 и 5 следующего содержания: «Не могут быть избранными граждане, признанные судом недееспособными, а также лица, содержащиеся в местах лишения свободы по приговору суда».

В выборах не участвуют граждане, признанные судом недееспособными, а также лица, содержащиеся в местах лишения свободы по приговору суда за совершенные тяжкие и особо тяжкие преступления. В любых других случаях прямое или косвенное ограничение избирательных прав граждан не допускается».

Восьмое. Законом от 8 февраля 2021 года № ЗРУ-670 в части второй статьи 117 Конституции слово «декабря» заменено словом «октября».

Девятое. Законом Республики Узбекистан от 8 февраля 2021 года № ЗРУ-671 внесены изменения и дополнения в статьи 7, 33, 85, 86, 93, 98, 100 и 117 Конституции Республики Узбекистан, связанные с уточнением понятий «законодательство», «законодательные акты», «законы», а в статью 107 в связи с совершенствованием судебной системы

Таким образом, Стратегия действий стала основой для динамичного развития Конституции Республики Узбекистан. При этом хотелось бы отметить особую роль Основного закона послужившего конституционной платформой в реализации демократических преобразований, обозначенных в Стратегии действий.

В истории цивилизаций немало ярких образцов основополагающих правовых актов, регламентирующих общественные отношения, но даже самые прогрессивные для своего времени правовые акты имеют недостатки. Ни одна конституция в мире не является совершенной, причем неурегулированность тех или иных проблем основным законом нельзя считать его дефектом и даже конституционным пробелом. Определить исчерпывающий перечень вопросов, требующих конституционной регламентации, очень сложно, так как он зависит от исторических, социально-политических условий, целевого назначения конституции, степени зрелости общественных отношений и др. В то же время планки конституционных идеалов весьма высоки, а их достижение обусловлено временными и другими существенными факторами³.

Поэтому конституция динамична, то есть постоянно находится в процессе развития, отражает изменения жизни, ее бурное течение. В этом смысле **следующим этапом конституционного развития** Узбекистана будет продолжение конституционных реформ в качестве объективной необходимости.

Конституционные реформы – это либо изменения принципиальных положений конституции, либо перестройка базовых конституционных институтов, **либо принятие новой конституции**.

Президент Шавкат Мирзиёев подчеркнул, «что для реализации задач, отраженных в **Стратегии развития** и имеющих важное значение в построении справедливого, действительно народного государства, прежде всего будут необходимы конституционная основа и еще более прочная законодательная база. В этом смысле важной задачей становится гармонизация Основного закона с современными реалиями нашего общества, сутью наших последовательных реформ, а также создание прочного правового фундамента Стратегии развития Нового Узбекистана».

Реальное проведение конституционной реформы оказывается очень трудным делом. Ошибки в расчетах, отсутствие предвидения последствий, слабая поддержка конституционных новшеств в обществе приводят к неполной реализации и задержке реальных преобразований⁴.

Поэтому Шавкат Мирзиёев особо отметил, что «для того, чтобы иметь отвечающую требованиям времени Конституцию, мы должны подготовить проект обновленного Основного закона, вынести его на всенародное обсуждение и усовершенствовать с учетом выдвинутых предложений».

Для проведения конституционных реформ нам необходимо тщательно изучить передовой миро-

вой опыт. Практика зарубежных стран последних пятнадцати лет свидетельствует о динамичности развития конституционного законодательства, ядром которого в отдельно взятой стране является конституция. В ряде государств мира в XXI веке прошли полные или частичные конституционные реформы, сопряженные с происходящими изменениями в общественной и политической жизни⁵.

Конституционные реформы, прошедшие в отдельных странах, явились следствием образования на политической карте мира новых независимых государств (например, на основании деклараций о независимости был образован Восточный Тимор в 2002 г., Сербия и Черногория в 2006 г., Южный Судан в 2011 г.), либо коренных изменений общественных отношений, требующих конституционной регламентации. Причем в одних странах, например, в Венгрии в 2011 году, вопрос о проведении коренных конституционных преобразований и как следствие принятие новых конституций явилось логическим шагом эволюции общественных отношений с учетом развития государства.

В отдельных странах Западной Европы идет работа по подготовке текстов новых конституций вследствие изменения общественных отношений, требующих закрепления в конституции с учетом современных вызовов. В частности, Палата депутатов Люксембурга 13 марта 2015 года опубликовала проект новой Конституции Великого Герцогства Люксембург⁶, который отвечает требованиям современной демократии, исключает устаревшую терминологию, закрепляет реальную практику функционирования государственных органов и должен был заменить Конституцию 1868 года, действующую с многочисленными поправками.

Конституционные реформы также идут или уже прошли в ряде зарубежных стран в 2015-2016 гг. (в Италии, Латвии, Словакии, Франции).

Анализ зарубежного опыта показывает следующие три условные направления конституционных преобразований: **первое**, расширение и углубление отдельных принципов устройства го-

сударства и общества (равенство женщин и мужчин, партиципаторная демократия, «эффективное управление» и др.); **второе**, закрепление новых прав и свобод граждан; **третье**, модернизация системы государственных органов.

Например, одним из направлений конституционной реформы Франции 2008 г., было предоставление гражданам ряда новых прав. В частности, граждане Франции получили право на совместное с Парламентом инициирование проведения общенационального референдума (абз. 2 ст. 11 Конституции Франции), право обращаться в Конституционный Совет Франции (не прямо, а косвенно через Кассационный Суд или Государственный Совет) в порядке возражения против иска с приоритетным вопросом о конституционности (абз. 1 ст. 61-1 Конституции Франции), направлять петиции в Экономический, социальный и по вопросам окружающей среды совет (ст. 71 Конституции)⁷.

Можно согласиться с мнением Т.С.Маславской что, «особенностями принятых зарубежных конституций XXI века является конституционализация новых объектов (гражданское общество, неправительственные организации, парламентская оппозиция, права в области биомедицины, права, связанные с развитием научно-технического прогресса и ухудшением экологии (право на доступ к воде) и пр.), а также некоторых стратегических задач национального государства на современном этапе (борьба с терроризмом, наркоманией, пьянством, коррупцией), с фиксацией в отдельных случаях институционального механизма их реализации (например, учреждение специальных органов по предупреждению и борьбе с коррупцией).

В заключении можно утверждать, что конституционная реформа Нового Узбекистана – это политико-правовой процесс по подготовке проекта обновленного Основного закона, целью которого является построение действительно народного государства, конституционное закрепление роли и статуса институтов гражданского общества, дальнейшее укрепление межнационального согласия в стране, построение социального государства и справедливого общества.

1. Шавкат Мирзиёев - Праздничное поздравление народу Узбекистана // <https://president.uz/ru/lists/view/4815>

2. Акмал Саидов, Новый Узбекистан и устойчивое конституционное развитие // <https://yuz.uz/ru/news/novy-uzbekistan-i-ustoychivoe-konstitutsionnoe-razvitiye>

3. Хабриева Т.Я. Конституционная реформа в современном мире: монография / Т.Я.Хабриева. — М.: Наука РАН, 2016. — С.8 с.

4. Тихомиров Ю.А. Тенденции конституционного развития государств в современном мире // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. 2016. № 1. С.25.

5. Маславская Т.С. Некоторые направления конституционных изменений в зарубежных странах на современном этапе. // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. 2012. № 3. С. 54, 60 -61.

6. См.: Проект новой Конституции Великого Герцогства Люксембург от 13 марта 2015 г. URL: <http://www.chd.lu> (дата обращения: 20.04.2015).

7. См.: Маславская Т.С. Конституционная реформа во Франции 2008 г. // Вестник Конституционного Суда Республики Беларусь 2009. № 1. С. 143-154.

Алимжан АКИЛОВ,
 начальник отдела Института проблем
 законодательства и парламентских исследований,
 доктор юридических наук, профессор

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КОНСТИТУЦИОННЫХ ОСНОВ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ПРОКУРАТУРЫ

Аннотация. В статье обосновывается необходимость дальнейшего совершенствования конституционных основ деятельности органов прокуратуры в свете претворяемой в жизнь Стратегии развития Нового Узбекистана. При этом, основное внимание уделяется необходимости конституционного закрепления основных направлений и функций органов прокуратуры, а также внедрения демократических начал в систему формирования ее руководящих органов.

Ключевые слова: конституция, реформа, прокуратура, надзор, законность, исполнение.

Аннотация. Мақолада Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясидан келиб чиқиб, прокуратура органлари фаолиятининг конституциявий асосларини янада такомиллаштириш зарурати асослаб берилган. Бунда прокуратура органларининг асосий йўналишлари ва функцияларини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳамда унинг бошқарув органларини шакллантириш тизимида демократик тамойилларни жорий этиш долзарблигига асосий эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: конституция, ислохот, прокуратура, назорат, қонунийлик, ижро этиш.

Annotation. The article substantiates the need for further improvement of the constitutional foundations of the activities of the prosecutor's office in the light of the implemented Development Strategy of New Uzbekistan. At the same time, the main attention is paid to the need for constitutional consolidation of the main directions and functions of the prosecutor's office, as well as the introduction of democratic principles in the system of formation of its governing bodies.

Keywords: constitution, reform, prosecutor's office, supervision, legality, enforcement.

В своем праздничном поздравлении в связи с 29-летием принятия Конституции Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев вновь высказался о необходимости конституционных реформ и создания более прочной законодательной базы для гармонизации Основного закона с современными реалиями нашего общества, сутью наших последовательных реформ, а также создания прочного правового фундамента Стратегии развития Нового Узбекистана.

При этом, одним из направлений Стратегии Нового Узбекистана обозначена защита прав, свобод и законных интересов каждого жителя Узбекистана, независимо от его национальности, языка и религии.

